

INN week 43 (1361)-сон 26-октябр 2018 Xabar

ERURSEN SHO'H, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Ислохотларнинг самараси ижро интизомига боғлиқ 2-бет

ЁШГА ОИД ТОИФА БЕЛГИСИ

бўлмаган ахборот маҳсулотини тарқатиш тақиқланди 3-бет

ОПРЕДЕЛЕН ПАРТНЕР

по внедрению в Ташкенте технологий "Смарт-сити" 6-бет

ҒАЛАБАГА УНДОВЧИ КИТОБ

Умрга муносиб бўлишга интиламиз! 7-бет

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

Болангизни "наушник"дан эҳтиёт қилинг 11-бет

ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Хитойда осмонга сунъий ой чиқарилади 12-бет

ГЛОБАЛ ИСИШ

Олимлар нега ўз фикрини ўзгартирди? 13-бет



ОРЗУЛАРИНГ ҚАНОТ ЁЙСИН, АЗИЗ ТАЛАБА!

Яқинда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шухрат Содиқовнинг ТАТУ Фарғона филиали талабалари билан учрашуви бўлиб ўтди. Самимий ва дўстона руҳда ўтган мулоқот давомида соҳа раҳбари талабаларнинг орзу-истаклари, қўлга киритаётган муваффақиятлари билан танишди, муаммоларига қўлоқ тутди.

Соҳа раҳбари кўмағида шу куннинг ўзидаёқ уч нафар кам таъминланган оила фарзандлари бўлган талабаларнинг кон-

тракт-шартнома пуллари "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали ҳамда АТ "Алоқабанк" вилоят бўлими томонидан тўлаб берилди. Шунингдек, 2017-2018 ўқув йилида Беруний номидаги давлат мукофоти соҳибалари бўлган талабалар – Насиба Ҳомидова ва Дилноза Абдурасуловаларга вазирликнинг Фахрий ёрлиғи ҳамда телевизорлар тантанали топширилди. Соҳа раҳбари тақдирланганларни яна бир бор қўлаб, тенгдошларини улардан ўрнак олишга, мамлакатимиз АКТ тизими ривожига муносиб ҳисса қўшишга чақирди.

4-бет ▶

ЯНГИ ҚОНУН

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИДАН НОҚОНУНИЙ Фойдаланганлар ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИ

Президент "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни имзолади.

Ушбу қонунда телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган қўшимча ва ўзгаришларга қўра:

● Урнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек, мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва улар фаолият кўрсатиши учун шaroитлар яратиш — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч

йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.


● Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли мусодара қилиниб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса йигирма бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солинади.



Қонун 2018 йил 23 октябрдан кучга кирди.

ЎЗБЕКИСТОН —
РОССИЯ ТАЪЛИМ
ФОРУМИ
(2018 йил,
18-19 октябр)

Таълим ва илмий фаолиятга оид 114 та шартнома ва битим имзоланди. Ўзбекистонда Россиянинг 6та нуфузли олий таълим муассасаси филиали ва 2та факультети очилди, 52та қўшимча таълим дастури жорий этилиши назарда тутилган. Ҳар бир келишув бўйича "йўл харита"лари ишлаб чиқилган.



ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК — ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАСИ ИЖРО ИНТИЗОМИГА БОҒЛИҚ

Яқинда Фарғона вилоятидаги соҳа корхоналари ва ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ҳажмини ошириш, даромадларни кўпайтириш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича кўрилатган чоралар таҳлилга бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтказилган мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг электрон ҳукумат, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари ахборот-таҳлил департаменти масъул ходимлари, соҳа корхона ва ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Таҳлилий-танқидий руҳда ўтган мажлисни Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ш.Содиқов бошқарди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 октябр куни Ўзбекистонда АҚШ бизнеси ҳафталиги тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмми бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда иқтисодийнинг турли тармоқларида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, аввало, технологиялар соҳасидаги шерикликни ривожлантиришнинг аниқ истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 октябр куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Америка Қўшма Штатлари савдо вазири Уилбур Россни қабул қилди. Учрашувда савдо, sanoat ва юксак технологиялар, қишлоқ хўжалиги, логистика ва транспорт соҳаларида аниқ лойиҳа ва дастурларни рўйбга чиқаришда амалий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябр куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишланган йилгилиш ўтказди. Унда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган келишувлар асосида профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳиятини мустаҳкамлаш, малакасини ошириш, олий таълим тизимига илмий-технологик ишланмалар ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябр куни Вьетнам Коммунистик партияси Марказий кенгаши Бош котиби Нгуен Фу Чонгин Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти лавозимига сайлангани муносабати билан табриклади.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кун муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида”ги фармон ҳамда “Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор эълон қилинди.

Наманган вилояти ҳокимлигида Хитой Халқ Республикасининг Циндао шаҳри халқ ҳукумати вакили Ван Цинчун бошчилигидаги давлат идоралари масъуллари ва тадбиркорлардан иборат делегация иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда дўстлик ва инвестицион ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича меморандум имзоланди. “Йул харитаси” ишлаб чиқилди.

Соҳа раҳбари мажлис кун тартибига қўйилган масала бўйича маърузасида Фарғона вилоятидаги тизим корхона ва ташкилотлари фаолиятини батафсил таҳлил қилиб, муаммо ҳамда камчиликларнинг асл сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида сўз юритди.

— Хабарларингиз бор, жорий йилда Давлатимиз раҳбари ҳузурда ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасининг ривожланиш ҳолати икки мартаба танқидий муҳокама қилиниб, соҳа олдида бир қатор муҳим вазифалар қўйилди. — деди нотиқ. — Ушбу вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишида соҳанинг ҳар бир раҳбари шахсий масъулиятни ҳис қилиши зарур, қўйилган масалаларнинг ижросини таъминлашда қатъий интизом ва тартиб йўлга қўйилмас экан, ишмизда ҳеч қандай самара ва барака бўлмайдди. Соҳада олиб борилётган ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, ижро интизомига беvosита боғлиқлигини ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги лозим.

Соҳа раҳбарининг алоҳида таъкидлашича, вилоятдаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш учун вазирлик томонидан ишчи гуруҳ тузилган. Вилоятдаги қатор объектлар ва соҳа корхоналари бўлинувчиларининг фаолияти ўрганилган ва бу жараёнда камчилик ҳамда муаммолар аниқланган.

Худудий бошқармалар фаолияти самаралими?

Хусусан, вазирликнинг худудий бошқармалари жойларда соҳада давлат сиёсатини юритиш бўйича давлат органининг ваколатли бошқармаси бўлишига қарамадан, тизим худудий бўлинувчилари раҳбарлари томонидан бошқарма бераётган топши-

риқларни бажармаслик, очиқчасига инкор этиш каби ҳолатлар мавжуд. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги 3549-сонли қарорига мувофиқ, вазирликнинг худудий бошқармалари бошлиқлари лавозими бўйича вилоят ҳокими ўринбосарларига тенглаштирилган, амалда эса бу фақат қоғозда қолиб кетмоқда. Ачинарлиси, худудий бошқармалар жойлашган бинолар ва хоналар умуман талабга жавоб бермайди.

Телекоммуникация инфратузилмаси талабга жавоб берадими?

Вилоятда туман ва шаҳар телекоммуникациялар боғламалари томонидан хизматлар кўрсатиш сифати талаб даражасида эмас. Реклама ва маркетинг ишлари эътибор қаратилмаган. Жорий таъмирлаш ишлари учун эксплуатация заҳира (кабел, муфталар ва ҳ.к.)лари ташкил қилинмаган, линия-кабел ҳўжаликлари маънан эскириб бўлган.

“ЎзМобайл” миллий мобил алоқа оператори тармоғини ташкил этиш доирасида Фарғона вилоятида ўрнатилиши зарур бўлган 324 база станциясидан шу кунга қадар 107та ёки 33 фоизи ўрнатилган. 2017 йилдан бери 180дан ортққ база станцияси омиборларда ижара асосида сақланиб келинмоқда, уларнинг аккумуляторлари ўз муддатини ўтаб бўлган, 2G технологияси асосидаги база станциялари эса аллақачон маънан эскирган.

Сўх тумани ва Риштон тумани Чунгара аҳолиси қўшни Қирғизистон Республикасининг мобил алоқа операторлари хизматларидан фойдаланишмоқда. Сабаби — ушбу худудлар телекоммуникация инфратузилмаси билан таъминланмаган. “Обод қишлоқ” ва

“Обод маҳалла” дастурлари доирасидаги объектларда телекоммуникация инфратузилмалари барпо этиш ишлари қониқарли ташкил қилинмаган.

Почта алоқасининг аҳволи қандай?

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиали жорий йилнинг 9 ойини 1 млрд. 258 млн. сўм зарар билан ақунлаган. Корхонанинг август-сентябр ойлари учун иш ҳақидан қарздорлиги 531,4 млн. сўмин ташкил этади. Данғара туманидаги почта алоқаси биноси хароб аҳволда, бино атрофидаги майдон қаровсиз.

Бугунги кунда Фарғона почта балансидан 104та бўш турган бинолар мавжуд бўлиб, ушбу бинолардан самарали фойдаланиш бўйича ташкилотда ҳеч қандай истиқболли, даромад олишга йўналтирилган объектларини 2018/2019 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича почта бўлимларида иш бошланмаган.

АКТ жорий этилганлиги ҳолати қониқарлими?

Бугунги кунга қадар худудларда АКТнинг жорий этилганлиги ҳолатини аниқ ва ҳолисона баҳолайдиган тизим йўқ.

Давлат органларининг туман даражасидаги бўлимлари, туман ҳокимликларида ҳалигача “lrg.gov.uz” тўлиқ жорий этилмаган, ундан ҳеч ким фойдаланмаётган, берилган электрон рақамли имзо қалитларининг эса муддатлари ўтиб кетган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12-13 июн кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида вазирликка Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 августга қадар Фарғона вилояти Данғара

ра тумани марказида замонавий жиҳозланган ахборот-кутубхона марказини ташкил этиш вазифаси қўйилган. Бироқ, топшириқ берилганига тўрт ойдан кўп вақт бўлганига қарамадан масаланинг аниқ ечими, молиялаштириш манбаларига аниқлик киритилмаган.

Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг 1500дан зиёд талабалари учун икки сменда ўқишлар ташкил қилинган. Беш юз нафардан зиёд талабалар ижара тўловлари асосида хонадонларда яшаб келмоқда. Гарчи, 2011 йили талабалар учун ётоқхона биноси ажратилган бўлса-да, ҳанузгача мазкур бинода капитал таъмирлаш бўйича ишлар олиб борилмаган.

Вазифалар белгилаб берилди

Мазкур мажлис юзасидан қабул қилинган қарорда ўрганишларда аниқланган камчиликларни қисқа фурсатда ҳал этиш учун мутасаддиларга тегишли топшириқлар, бир қатор худудий бўлимлар раҳбарларининг эғаллаб турган лавозимига лойиқлиги кўриб чиқилиши белгилаб берилди ҳамда қўйилган вазифалар ижросини жиддий назоратта олмагани, иш фаолиятларида йўл қўйган камчиликларни учун “Ўзалоқданзорат” инспекцияси вилоят бўлими бошлиғи М.Рафиқов ва вазирликнинг Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Х.Қурбоновларга интизомий жазо сифатида “ҳайфсан” берилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоиз, соҳа раҳбарининг республикамизнинг ҳар бир вилоятига ташрифи, тизим корхона ва ташкилотлари фаолияти билан танишиши, ишчи гуруҳ томонидан худудларда мунтазам ўрганишлар ўтказилиши режалаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА МОБИЛ ҚУРИЛМАЛАР ИДЕНТИФИКАЦИЯ КОДЛАРИ АСОСИДА РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикасида мобил қурилмаларни ҳисобга олиш тизimini тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, республикада мобил қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари асосида рўйхатга олиш бўйича тизим жорий қилинади.

Мазкур тизим:

- мобил қурилмалардаги ўзига хос идентификация кодлари тўғрисидаги текшириш орқали уларнинг мулкдорлари (эгалари) ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- мобил қурилмалардан уларнинг эгаларини огоҳлантирмасдан ноқонуний ва рухсатсиз фойдаланишга йўл қўймаслик имконини беради.

Мобил қурилмаларнинг идентификация кодларини рўйхатга олиш ва қўллаш, ушбу йўналишда норматив-ҳуқуқий базани яратиш ва такомиллаштиришда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ваколатли орган, “UZINFO-

SOM” давлат ахборот хизматларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ эса тизим оператори этиб белгиланди.

Қарор билан 2019 йил 1 апрелга:

- мобил қурилманинг идентификация кодини интернет тармоғи орқали онлайн тартибда рўйхатга олиш ва унинг мақомини текшириш хизмати жорий этилади;

- мобил қурилмани рўйхатга олиш ҳамда маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича ҳудудий пунктлар фаолияти йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, тизим операторига маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ёки уларнинг расмий ди-



лерлари билан шартномалар тузишга ва кейинчалик уларни “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКда экспертизадан ўтказишга рухсат берилди.

Шунингдек, тизим операторига уни ташкил этиш ва жорий этиш доирасида олиб

кириладиган ускуна, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар, дастурий таъминот маҳсулотлари, восита ва мосламалар, компютер ҳамда сервер техникаси учун божхона тўловларини божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб 36 ойгача бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилди.

ЁШГА ОИД ТОИФА БЕЛГИСИ

БЎЛМАГАН АХБОРОТ МАҲСУЛОТИНИ ТАРҚАТИШ ТАҚИҚЛАНДИ

“Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарор билан Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифларини аниқлаш мезонлари ҳамда уни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.



Низомга мувофиқ болалар ўртасида тарқатиши чекланган ахборот маҳсулотларига:

- шафқатсизлик, жисмоний ва руҳий зўравонлик, жиноят ёки жамиятга қарши бошқа ҳаракатлар тасвирланган;

- қўрқув, ваҳима ва саросима уйғотадиган;
- жинсий муносабатлар тасвирланган ёки баён этилган;

- уятли сўзлар жумласига кирмайдиган ҳақоратли сўзлар ва ибораларни ўз ичига олган ахборот маҳсулотлари кирди.

Ёшга оид тоифа белгиси бўлмаган ахборот маҳсулотини тарқатиш тақиқланади.

Етти ёшга тўлмаган болалар учун ахборотларга (0+) қуйидагилар кирди:

- болаларнинг соғлиғи ва ривожланишига зарар етказмайдиган;

- жанри ва сюжети эзулик ёвузлик устидан галаба қозониши ҳамда зўравонлик қурбонига нисбатан раҳм-шафқат ифода этилган ахборотлар.

Етти ёшга тўлган болалар учун (7+) ахборотларга қуйидагилар кирди:

- етти ёшга тўлмаган болалар учун ахборот (0+);
- одам касалликлари ва улар оқибатларининг инсон қадр-қимматини камситмайдиган шаклдаги натуралистик бўлмаган ахборот;
- бахтсиз ҳодиса, авария, фалокат ёхуд куч ишатилмаган ўлимнинг болаларда қўрқув, ваҳима ёки саро-

сима уйғотиши мумкин бўлган оқибатлари намоён этилмаган, натуралистик бўлмаган ахборот;

- жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар ва жиноят содир этишга ундайдиган жиноятларнинг эпизодик тасвири ёки баённи ўз ичига олган ахборот маҳсулотлари.

Ўн икки ёшга тўлган болалар учун (12+) ахборотларга қуйидагилар кирди:

- (0+) ва (7+) ахборотлар;

- шафқатсизлик ва зўравонликнинг қурбонига нисбатан раҳм-шафқат ва шафқатсизлик, зўравонликка нисбатан салбий, қораловчи муносабат ифода этилиши шарт билан ҳаётдан маҳрум этиш ёки жароҳат етказиш жараёни натурал кўрсатилмаган ахборот;

- жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар содир этишга ундайдиган ахборотлар.

Ўн олти ёшга тўлган болалар учун (16+) ахборотларга қуйидагилар кирди:

- (0+), (7+) ва (12+) ахборотлар;

- бахтсиз ҳодиса, авария, фалокат, касаллик, ўлимнинг болаларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотиши мумкин бўлган оқибатлари натуралистик равишда намоён этилмаган ахборотлар;

- наркотик воситалар ёки психотроп ва гангивачи моддалар тўғрисидаги, уларни истеъмол қилишнинг хавфли оқибатлари тўғрисидаги, бундай восита-

лар ёки моддаларни истеъмол қилишга салбий ёки қораловчи муносабат ифода этилиши ёки уларни истеъмол қилишнинг хавфли экани ҳақида огоҳлантириш мавжуд бўлиши шарт билан шундай ҳолатларни ифода этувчи ахборотлар;

- уятли сўзлар жумласига кирмайдиган ҳақоратли сўзлар ва ибораларни ўз ичига олган ахборот;

- жинсий муносабатларнинг жинсий алоқага нисбатан бўлган қизиқишдан фойдаланмайдиган ҳамда қўзғатувчи ёки ҳақоратловчи туста эга бўлмаган эпизодик натуралистик бўлмаган ахборотлар.

Болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган (18+) ахборотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- болалар ҳаётига ва соғлиғига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга тарғиб қилишга ундайдиган;

- болаларда алкохол ва тамаки маҳсулотлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар истеъмол қилиш, қимор ўйинлари, оммавий тартибсизликларда иштирок этиш, фохишабозлик, дайдилик, тиланчилик ёки ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг бошқа шакллари билан шугулланиш истатини пайдо қиладиган;

- одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослайдиган ёки оқлайдиган ёхуд зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундайдиган;

- оилавий қадриятларни инкор этадиган, ахлоқсизликни тарғиб қиладиган;

- ғайриқонуний хулқ-атворни оқлайдиган ва ҳуқуқбузарлик содир этишга олиб келадиган;

- жамиятда бузғунчилик гоъларини тарғиб этишга даъват қиладиган;

- уятли сўзларни ўз ичига олган;

- порнография хусусиятига эга бўлган ахборотни ўз ичига олган;

- ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида жабрланган болалар тўғрисидаги ахборотлар кирди.

Ахборот маҳсулотининг экспертизаси Матбуот ва ахборот агентлиги қарорига кўра экспертлар томонидан амалга оширилади.

ОРЗУЛАРИНГ ҚАНОТ ЁЙСИН, АЗИЗ ТАЛАБА!

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида таҳсил олаётган кўлаб талабалар илм-фанда илмуваффақиятларни қўлга киритаётгани, уларнинг дастлабки изланишлари ўз рағбатини топаётганлиги беҳад қувонарли. Бу эътибор уларни янада баландроқ марраларга илҳомлантириши аниқ. Чеҳраларида ёниқлик, салоҳият кучи яққол кўриниб турган ёшларнинг ҳар бири билан суҳбат кургингиз, истиқболлини қандай тасаввур этаётганини билгингиз келади. Жисмоний меҳнат ўрнини тобора робототехника эгаллаётган ҳозирги замон шиддати рақамли кўникмаларни оммавий шакллантиришни тақозо этмоқдаки, бу филиал битирувчилари зиммасига долзарб вазифаларни юклаётир.

◀ 1-бет.

“Илми севувчи навқирон ёшларга салоҳият ҳам, чирой ҳам берганки, юз-кўзларини ёрқин нур ёритиб турибди.”

Олий ўқув муассасасида Президентимизнинг шу йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори ижроси юзасидан режа ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Филиал илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари Фарҳод Мулайдинов томонидан Фарғона шаҳрининг инновацион лойиҳалар-стартлапларини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширувчи инновацион гоёлар, ишланмалар ва технологиялар маркази раҳбари сифатида ўта масъулиятли ишлар бошлаб юборилган. Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Бахтиёржон Толипов эса SmartClub ташкил этиб, талабаларнинг ҳаётидаги жўшқинликни янада ошириб юборишга эришди.

Дарҳақиқат, филиалда жуда кўп хайри ташаббуслар қанот ёзмоқда. “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури доирасида “Стартап ташаббуслари” дастури Startupchamber сайтдан рўйхатдан ўтиш учун филиалдан 41та ариза тушганлиги ҳам жамоанинг ютуғи – ажойиб кашфиётларга очилган кенг йўлди. Чиндан-да SmartClub инновация гуруҳи очилгани изланувчан талабаларнинг руҳини кўтариб юборди. Гуруҳ аъзолари бир-бирларининг изланишларидан хабардор бўлиб, янги гоёлари билан ўртоқлашмоқдалар ва ҳамкорликка киришмоқдалар. Яқинда навбатдаги семинарда гуруҳ аъзолари Ҳ.Умаров, А.Турсунбоев, Ж.Шокиров, Ш.Ҳошимжонов, Ф.Кенжаева каби талабалар ҳамда 25-умумтаълим мактаби ўқувчиси И.Алиевнинг турли мавзулардаги лойиҳалари тақдимотлари ҳам кўрилди.

Иқтидорли ёшларнинг ўзлари билан суҳбатлашганимизда бу фикрлар ўз тасдиғини топди.

Орзуга айб йўқ!

Насиба ҲОМИДОВА,
Касб таълими факултети талабаси, Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори:
– Фарғона шаҳридаги 25-умумтаълим мактабида, сўнг Фарғона солиқ коллежида



ўқиган йилларимдаёқ олижаноб устозлардан таълим-тарбия олганим менинг касб йўлимни белгилаб берди. Кун-тун ўқиганим, ҳаловатлардан кечганим сабаблигина орзуимдаги шу олий ўқув юрти талабаси бўлдим. Мен учун бу узоқ кутилган бахт эди.

Лекин бахтга етишим-ку, деб хотиржамликка берилмадим. “Зукколик баҳси”, Солиқ билимдони”, “Ораста қизлар” кўрик-танловларига тайёргарлик жараёнлари, бу мусобақаларда фахрли ўринларни қозонганим ҳар дам аскоятпти. Ўқиш, изланишда давом этияман. Илмий мақолалар устида тинимсиз ишлаш натижалари чакки бўлмади. 80тадан ортиқ тезис, халқаро нашрлар учун тўққизта мақола ёздим. Ҳаммаси матбуот юзини кўрди. Учта дастурий маҳсулот, иккита услубий қўлланма яратдим. “Кутубхона ишини автоматлаштириш дастурий таъминоти”, “Телекоммуникация хизматлари учун аризаларни рўйхатга олишнинг автоматлаштирилган тизими”, “Фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларида бухгалтерия ҳисоби” дастурларимни ишлаб чиқиш, очиғи, осон бўлмади. Излансам, ишласам, албатта, бир нарсага эришарканман, деган ишончдан ҳузур топдим. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг гувоҳномаси топширилгани, Беруний номидаги давлат мукофотига лойиқ кўрилганим менга куч-қудрат бахш этипти. Шуни ҳам айтишим керакки, АКТ вазирлигининг фахрий ёрлиғи ва телевизиор мукофоти бир қувончига ўн қувонч қўшиши билан бирга, зиммамдаги масъулиятни ўн чандон оширди. Давлатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган олима бўлмоқчиман. Ажаб эмаски, докторлик ишимни Жанубий Корея ёки Америкада ёқласам. Орузга айб йўқ дейдилар-ку!

Олималик — болалик орзуим

Дилноза АБДУРАСУЛОВА,
Компютер инжиниринг факултети талабаси, Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори:

– Олималикни болалигимданок орзу қилганман. Қўштепа туманидаги 6-мактабда, сўнг аниқ фанларга ихтисослаштирилган “Ермозор” академик лицейида ўқиб юрган кезларим “ТАТУ талабаси бўламан!” деган орзуим янада мустаҳкамланди. Тинимсиз ўқиганим шарофати билан давлат гранти асосида шу муқаддас даргоҳнинг талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Зур меҳр ва иштиёқ билан таҳсил оляпман. Ўтган йили олима аёллар ўртасидаги “100та энг яхши инновацион гоё” кўрик-танло



вида “Магазин омборхонасидаги маҳсулотлар ҳисоб-китоби” дастури билан қатнашиб, 3-ўринни олдим. Бултўр Муҳаммад ал-Хоразмий стипендианти бўлганим ҳам шу изланишларим меваси. 40та илмий мақолам маҳаллий, 10та мақолам чет эл матбуотида ёритилди. Беруний номидаги давлат мукофотини қўлга киритган кун қанчалар шодумонлик бахш этганини тасаввур этаверинг. Аммо инсон бугунги зафарлари билан яшамас экан, бу ёғи мукофотга яраша ишлашимиз, изланишимиз зарур. Зотан, мукофот келажақда қилганим ишларимизга бир “хамиргуриш”, кўпайтиргандан-кўпайтиришимиз фарз. Чунки биз ЁШЛИКмиз, Ватаннинг порлоқ истиқболлини яратувчиларимиз.

Зулфияxonим қизлари изидан

Арофат АЛИМЖОНОВА,
Компютер инжиниринг факултети талабаси:



– Фарғона шаҳридаги 2-чет тилларга ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида, Фарғо

на политехника институти қошидаги академик лицейида ўқиганим ҳаёт йўлимни аниқ белгилаб берди. Акам ўқиган олий ўқув юртида ўқиш тўғрисидаги аҳдим қатъийлашди. Жиддий тайёргарлик кўрдим. Бунда менга акам ва лицейдаги устозларим ёрдам беришди. Тез-тез тест синовларини топшириб, ҳаяжонлардан ҳалос бўлиш кўникмасини ҳосил қилдим. Ва ниҳоят мақсалимга етдим. Бироз эркин нафас олай дегандим, йўқ, университет шундай улуг даргоҳ эканки, маҳобатининг ўзиёқ яна ва яна яхши ўқишга мажбур қилар экан. Устозларимиз шундай талабчанки, илм оламига, инновацион гоёлар дунёсига бошим билан кириб кетганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Маълумотларни ошириш бўйича услубий қўлланма устида анча ишлашимга тўғр келди. Дурустгина баҳоладим меҳнатим. Видеооликларим ҳам устозларимга маъқул бўлди. “Оптик манбага эга бўлган квант генератори” дастури билан Зулфия номидаги давлат мукофоти кўрик-танловининг шаҳар босқичида қатнашиб, вилоят босқичига йўлланма олдим. Айни пайтда қизгин тайёрланяман.

Сени Ватан кутади, ЁШЛИК!

Илми севувчи навқирон ёшларга салоҳият ҳам, чирой ҳам берганки, юз-кўзларини ёрқин нур ёритиб турибди. Бегзод Шаррафидинов (“Қидирув ишлари бўйича кўл изи орқали топши”, “Тавсифноманинг электрон вариантини интернет орқали”), Ҳамза Умаров (“Нарсаларни телефон, андроид иловалар орқали буюртма қилиш”), Шаҳриёр Ҳошимжонов (“Имконияти чекланганлар – қар-соқовлар учун янги мессенжер”, “Онлайн дарс ҳадвали” – бу дастурнинг патентини ҳам олган) каби талабалар, ўйлаймизки, илм уммининг ўз гоёлари ва илмий ишланмалари билан бойитиб борадилар ва докторлик дессертациялари билан Ўзбекистон номини шарафларга буркайдилар.

“АКТ вазирлигимиз ва Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти бу соҳада ҳамкорлик қилади...” Газетамизнинг 40-сонидagi “Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида муҳим келишувлар имзоланди” мақоласидан ана шу сатрларнинг ўзидан ҳам ҳам кўп нарса аниқлашди-ки, бунинг университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳам сезиб туришибди. Ёшлар юлдузларни кўча олишларига, космосни забт этишларига барчабарча имкониятлар муҳайё этилибди. Энди сўз ёшларда, уларнинг ўз бурчларини теран тушуниб илму фанга ҳаҳд қилишларида қолди.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

IUT VA TREND MICRO ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

“
Бу ҳамкорлик яна шуниси билан муҳимки, ўзбек ёшларининг энг зўр технологик фантазияларини амалга ошириш имконини бериб, улар Trend Micro томонидан қўллаб-қувватланиши ва келгусида янада ривожлантирилиши таъминланади.”



Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети талабаларга таълим бериш сифатини янада ошириш борасида янгидан-янги лойиҳаларга қўл уриб келмоқда. Бу борада университет турли халқаро таълим муассасалари, компаниялар билан долзарб ҳамкорликни йўлга қўйган. Навбатдаги шундай ҳамкорлик киберхавфсизлик соҳасида ечимлар ва дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича жаҳон етакчиларидан бир бўлган Trend Micro компанияси билан бўлди.

22 октябр куни Trend Micro компанияси билан Тошкентдаги ИНҲА университети ўртасида ҳамкорликда илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бериш, инновацион лойиҳалар тайёрлаш ҳамда университет талабалари учун маъруза ва мастер класслар ўтказишни кўзда тутувчи меморандум имзоланди. Меморандумни имзолаш маросимида Trend Micro компаниясининг Марказий Осиё бўйича минтақавий менежери Нурбек Раҳимов бошчилигидаги вакиллар иштирок этди.

Маросимда IUT ректори вазифасини бажарувчи Музаффар Жалолов меҳмонларга университетни ташкил этиш-

дан мақсад, бу ерда талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, жаҳон стандартлари даражасида жиҳозланган маъруза хоналари, талабалар томонидан ишлаб чиқарилаётган лойиҳалар ва турли ташаббуслар ҳақида маълумот берди.

Тошкентдаги ИНҲА университети ва Trend Micro ҳамкорлиги талабаларга таълим жараёнида замонавий технологияларни қўллашнинг энг янги имкониятлари эшикларини очди. Бу ҳамкорлик яна шуниси билан муҳимки, ўзбек ёшларига ўзларининг энг зўр технологик фантазияларини амалга ошириш имконини бериб, улар Trend Micro томони-

дан қўллаб-қувватланиши ва келгусида янада ривожлантирилиши таъминланади. Шунингдек, талабалар ва ўқитувчиларга Trend Micro ахборот ресурслари, илмий базаси ва технологик салоҳиятидан фойдаланиш имкони берилди. Бир сўз билан айтганда, компания киберхавфсизлик ва АТ-таълим соҳасида университет ҳаётидаги барча ташаббусларни амалга оширишни рағбатлантиради. Келажакда эса Ўзбекистонда масофавий таълимни ташкил этиш режалаштирилган.

Нурбек РАҲИМОВ,
Trend Micro компаниясининг Марказий Осиё бўйича минтақавий менежери:

— Ушбу ҳамкорлик мавжуд жараёнларни рақамлаштириш ва университетнинг илмий-тадқиқот фаолиятини тўла қўллаб-қувватлашни ўз ичига олган. Компаниямиз экспертлари ахборот технологиялари оламидаги ўз билимлари ва тушунчалари билан ўртоқлашди, шунингдек, технологик лойиҳалар устида иш олиб борадиган талабалар клубларини ташкил этишга қўмаклашди. Биргаликда махсус танловлар, дастурий ва аппарат таъминоти кўрғазмаларини ўтказишимиз яхши самара беришига ишонаман. Ҳамкорлик доирасида амалга оширилган барча ишлар ҳар икки йилда жамоатчилик ҳисоботида ёритиб борилади.

Мирёкуб МИРЗАҲМЕДОВ,
IUT талабалар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш маркази бошлиғи:

— Бугунги кунда киберхавфсизлик глобал аҳамиятга эга долзарб масалага айланган. Ахборот технологиялари тарақ-

қий этиб боргани сари кибермакondaги хавф-хатарлар, хакерлик ҳужумлари ҳам такомиллашиб, тури ортиб бормоқда. Шу боис талабаларга нафақат белгиланган билимларни бериш, балки уларни кибержиноятчиликларга қарши тура оладиган мутахассислар сифатида ҳам тайёрлаб бериш асосий мақсадимиздир. Бу борада бугунгидек имзоланган ҳамкорликларнинг аҳамияти жуда муҳим, албатта.

Trend Micro компанияси ҳақида:

Киберхавфсизлик ечимлари бўйича глобал етакчи бўлган Trend Micro Incorporated компанияси ўз миссиясини бутун дунё бўйлаб рақамли ахборотларни хавфсиз алмашишни таъминлашга қаратган. Компания инновацион ечимлари шахсий фойдаланувчилар, бизнес ва давлат муассасалари учун маълумотларни қайта ишлаш марказлари, булутли инфратузилма, тармоқлар ва сўнгги нуқталаргача кўп қатламли муҳофазани таъминлайди. Шунингдек, компания ечимлари Amazon Web Services, Microsoft, VMware ва бошқа шу каби етакчи инфратузилмалар учун оптималлаштирилган бўлиб, уларнинг замонавий таҳдидлардан ахборотни ҳимоя қилиш жараёнини автоматлаштиришга имкон беради. Унинг маҳсулотлари таҳдид ҳақида маълумотлар алмашиш, марказлаштирилган бошқарув орқали комплекс ҳимояни таъминлаш, юқори даражада ҳимоялаш ва тезкор жавоб бериш учун ўзаро ҳамкорликда ишлайди.

Trend Micro компаниясининг 50 мамлакатдаги 5000дан ортиқ ходимлари ҳамда тармоқларда хавфни аниқлашнинг энг илғор тизими мижозларни булутли инфратузилмага ўтишда ишончли ҳимоя қилади.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
“Xabar” мухбири

Муаллиф олган суратлар.



ОПРЕДЕЛЕН ПАРТНЕР

по внедрению в Ташкенте технологий «Смарт-сити»



Российская компания предоставит блокчейн-платформу для разработки и внедрения в столице Узбекистана проекта «Смарт-сити».

Соответствующее соглашение между департаментом инноваций хокимията г. Ташкента и компанией Univera подписано в рамках ежегодного московского форума «Открытые инновации», который в этом году проходил в Сколково.

Смарт-платформа с применением технологии блокчейн создаст в различных сферах жизни столицы новые виды взаимоотношений между людьми, городскими службами и бизнесом, обеспечит уменьшение финансовых издержек.

Блокчейн позволит отслеживать работу всех городских и региональных служб в режиме реального времени, легко выносить на голосование проекты и инициативы на различных уровнях, проводить прозрачные тендеры на любые виды работ и услуг и оптимизировать работу служб ЖКХ. Использование технологии распределенных реестров переведет экономику и социальную жизнь г. Ташкента на совершенно новый цифровой уровень.

В ближайшее время делегация компании Univera планирует посетить Ташкент с целью провести двухсторонние переговоры и определиться с возможной реализацией пилотного проекта по внедрению в столице технологии «Смарт-сити».



PWC ВЫИГРАЛА ТЕНДЕР НА РАЗРАБОТКУ ПРОЕКТНОЙ ДОКУМЕНТАЦИИ «БЕЗОПАСНОГО ГОРОДА»

В конце 2017 года Комиссия по координации реализации проекта по созданию единого аппаратно-программного комплекса «Безопасный город» решила привлечь международную консалтинговую компанию для качественной реализации проекта.

Выбор компании происходил на тендерной основе, были получены предложения от компаний Германии, Израиля, России и Китая.

На днях стало известно, что тендер выиграла ООО «PwC — Прайвотерхаус Куперс Консалтинг», которая входит в «большую четверку».

Теперь она займется разработкой проектной документации и оказанием консалтинговых услуг при разработке концепции создания и дальнейшего развития комплекса «Безопасный город».

Помимо этого, PwC также займется подготовкой проектной и иной документации в рамках реализации проекта в Ташкенте.

PricewaterhouseCoopers (PwC) — международная сеть компаний, предлагающих профессиональные услуги в области консалтинга и аудита. Компания существует на протяжении более 160 лет и входит в так называемую большую четверку аудиторских компаний. Выручка компаний превышает \$35 млрд., здесь работает более 200 тыс. человек.

СОФТ

РАЗРАБОТАНА ПРОГРАММА «СИСТЕМА «ЭЛЕКТРОННАЯ ПОЧТА»

предназначенная для организации электронной системы связи внутри ведомств, корпораций, организаций

Специалисты Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразми разработали программу, предназначенную для организации электронной системы связи

внутри ведомств, корпораций, организаций, также может быть использована в системе электронной связи республики с учетом интерфейса на узбекском языке.

Функциональные возможности программы заключаются в использовании интерфейса с латинским шрифтом; отправки, принятия и сохранении переданной или полученной инфор-

мации; оповещение о поступлении новой информации; уведомление о необходимости отправки корреспонденции согласно календарному плану.

Авторам данной программы Жахонгиру Солижонову и Мохинуру Абдутоиповой выдано свидетельство об официальной регистрации программного продукта DGU 05575.

ИННОВАЦИИ

В ФЕРГАНЕ ОТКРОЮТ МОЛОДЕЖНЫЙ ЦЕНТР ИННОВАЦИЙ С КОВОРКИНГ-ЦЕНТРОМ И АКСЕЛЕРАТОРОМ

В Фергане откроют Молодежный центр инноваций при Министерстве инновационного развития. Это предусмотрено постановлением Кабинета Министров.

Здесь будут предоставлены технологические и производственные площадки для молодых ученых, преподавателей и всех остальных, кто хочет реализовать научные или инновационные проекты.

В задачи центра также входит координация отношений между вузами, научными учреждениями и компаниями, привлечение молодежи и ученых для решения проблем в различных отраслях

экономики путем коммерциализации разработок.

При центре будут коворкинг-центр и акселератор, где желающие смогут получить консультации и другую помощь для своих проектов. Здесь же будут проводиться мастер-классы и другие мероприятия.


Финансироваться все это будет за счет денег Фонда внедрения инновационных идей и проектов в производство, поступлений от выполнения центром работ по контракту.

Центр расположится в здании Киргулинского строительного-промышленного колледжа на территории в 477 кв.м.



УМРГА БЎЛИШГА

МУНОСИБ ИНТИЛАМИЗ!



Ҳаммага яшаш учун ҳар куни 24 соат берилди. Ҳаёт мана шу — бизга берилган лаҳзалар сарҳисоби. Тўғри, у қисқа. Аммо қадрига етиб, ўткинчи ҳаётнинг моҳиятини тушуниб оқилона яшалса, бу — бир марта ҳузурланиб яшаш учун етарли фурсат. Гарчи ҳаёт йиллар билан ўлчанса ҳам, биз умр деганда бахтли дақиқалар, гўзал хотираларни эслаймиз.

Айтишадик, бир кунлик умрда ҳам бир асрлик ҳаёт кечирса бўлади. Бунинг учун умрга муносиб бўлиш керак. Назаримда, бунинг учун куйидаги амалларга одатланмоқлик мақсадга мувофиқ.

24 соатни фақат ўзингизга сарфламанг

“Бир кунда бир соат дўст учун яша ...” оҳанги қулоғимизга чалинган, унинг нақадар тўғри чорлов эканини тан оламиз. Бошқалар учун қайғуриш, бошқаларга далда бўлиш ва бошқалар билан фикрлашишни қанда қилманг. Ҳаётингизда маъно йўқлигини сезган кунингиз атрофингизга боқинг ва одамларга ёрдам қилини чўзинг. Бу яхшиликнинг яшашингиз учун сабаб бўлади.

Ҳаёт сиз учун нимани аниқланг

Ўзингизнинг ҳаётдаги сўнгги йилларингизда тасаввур қилинг. Бу — ҳаёт! Ва сиз ўша маҳалда ўтган умрингизни қандай тасаввур қилиб, нима деб изоҳлаган бўлар эдингиз? Ҳаёт — гўзаллик, муҳаббат, жўшқинлик, яратувчанлик ва қизиқувчанлик мужассам бўлган муқаддас ибодатхонадир. Ибодат эса — эзгу амал ва эзгу фикрни англатади.

Келажақда яшашни бас қилинг

“Бир куни”, “Вақтим ёки имконим бўлганида” деган режалар кўпайиб кетса, бир зумга тўхтаган ва ўзингиздан “Нимага ҳозир ёки бугун эмас?” деб сўранг. Ҳаёт афсуслар билан уйғониш учун қисқалик қилишини ҳис этинг. Ҳар куни сизга тирикликнинг эслатадиган бирор иш қилинг.

Кўпроқ бахтиёр ва самимий одамлар даврасида бўлинг

Улар ҳаётни бошқаларга қараганда яхшироқ ҳис қилганлари учун ҳам, уни ёрқинроқ кўрадилар. Сиз ҳам улардан ижобийликни ўрганинг. Унутманг, йўқотишган вақт — биз яшай олмаган дақиқалардир.

Дардга матонатли бўлинг

Оғриқ ва қайғулар умримизнинг кунларини ўғирлайди холос. Ҳаёт сизга лимон отганида, сиз ундан лимонад шарбати-

ни тайёрланг. Айтишадик, киноларга сени кучсиз қилишларига йўл қўйма. Акс ҳолда, ҳаммасини яна бошидан бошлашга тўғри келади.

Шуурингизга диққат қилинг

Шунда ундаги истаклар сўзга айланадилар. Сўзларингизга диққат қилинг — улар ҳаракатга айланиши. Ҳаракатга эргашинг — у одатга айланади. Одатларга диққат қилинг, шунда фазилат шаклланади. Фазилат эса — сизнинг тақдирингиздир.

Одамларни кечиринг ва уларни севинг

Инсон тирик мавжудотлар орасида кучли қувват манбаига эга жонот. Бу қувватни у маънавий илдишлардан олади. Бунинг йўли эса шошиб чиқарилган хато хулосаларни рад қилиш. Кимдандир ёмон кўриш, кимдандир нафратланиш, бу — бизни охир-оқибат душманидан қўрққан, ҳимояга муҳтож одамга айлантириб қўяди. Ҳимоя эса яшаш эмас, яшашдан қочиш дегани.

Ўз-ўзингизга ҳаёт сабогини берингиз одатланинг

Яшаш — мунтазам қилинган хатоларнинг хулосаси. Модомики, хулоса йўқ экан, яшаб ҳам бўлмайди. Боши деворга тегиб ҳам сабоқ чиқармаётган эркак эса чиндан-да қашшоқ ва бахтсизликка муносиб.

Таваккал қилишга одатланинг

Бу — ўзини ҳаётнинг энг яхшисига муносиб кўриш дегани. Ҳаёт ишора ва белгилар ёрдамида бизга доимо “Кел, ичкарироқ кир!” дейди. Аммо кўпинча биз унинг суратини оламизда, сўнг кўрқиб орқага тисариламыз.

Ҳар дақиқа азиз инсонларни қадрланг ва ҳимоя қилинг

Иш, бу — ҳаёт дегани эмас. Ота-она, дўстларингиз учун ҳам яшанг. Айниқса, ота-онани азиз билиб, хизматларини қилинг. Шекспир айтганидек, ота-онанинг овози — Яратганининг овози. Фарзанд учун улар жаннат йўлбошловчиларидир. Муваффақиятли инсонларнинг энг катта ютуқлари — оқил ва оқила ота-она билан сийланишларидир.

ХУЛОСА

Дунёда миллионлаб инсонлар меҳнатлари эвазига бахтиёр яшаётган бир пайтда, сиз ҳам бунга муносибсиз. Уларнинг баъзи фарқли жиҳатларигина яхши яшашлари учун хизмат қилади. Китобнинг биринчи бобидаги мавзулар, фикрларни хулоса қиладиган бўлсак, бахтли, соғлом ва муваффақиятли инсонларни бахтли қилади-ган қуйидаги жиҳатлар мавжуд:

- Бошқаларга ёмонлик тиламайдилар ва ёмонлик раво кўрмайдилар;
- Ўз одамларидан ташқарига чиқиб, бошқаларнинг фикрини ҳам инobatта олишга одатланганлар;
- Бошқаларда кўрган яхши хислатларни ўзларида ҳам шакллантиришга ҳаракат қиладилар;
- Улар бахтиёр, соғлом ва муваффақиятли инсонлар кўп томонга интиладилар;
- Бошқаларнинг фикрлари уларнинг йўлларини тўсиб қўйишига изн бермайдилар;
- Ҳар куни эрталаб фақатгина кимларнидир кўнглини чоғ қилиш учун уйғонмайдилар. Улар ўзлари учун ҳам яшашни биладилар;
- Кундалик дуч келадиган машаққатларни юксалиш учун имкон, хатоларни ҳаётнинг сабоқлари деб қабул қиладилар;
- Баъзида вақтни ёлғиз

ўтказиш фойдали эканини унутмайдилар;

- Ўтиқолларини мустақкамлаб, маънан юксалиб, орзу ва ишонч ўртасида кўприк курадилар;
- Камроқ ваҳимага тушиб, чуқур идрок қила олишлари учун чуқур-чуқур нафас оладилар;
- Улар ҳаётда ҳамма нарсга эга бўлиш имконсизлигини тан оладилар;
- Таваккал қилиш янги марраларга эришиш учун муқофот эканини биладилар;
- Ўзлари имконсиз бўлган вазиятда “йўқ” дейишга уялмайдилар;
- Одамларга тиллари ва диллари муштарак эканини кўрсата оладилар;
- Узоқни кўра оладилар ва кўрганларига эришмагунларигача тиниб-тинчимайдилар;
- Ўзларини яхши ишларга ҳеч бир манфаат-муддаосиз бағишлайдилар;
- Ўзларида борини кўрсатишни эмас, бошқалардаги муҳим жиҳатни илгашга ҳаракат қилиб, ҳукмронликка даъво қилмайдилар;
- Мақсад учун интилаётганларида тез-тез ўзларининг голиблик дақиқаларини тасаввур қилиб, рўҳланадилар;
- Нолиш, зорланишни одат қилмайдилар;
- Инсоний фазилатларидан ишда юксалиш ва оилани фаровон тутишда фойдаланадилар;
- Кези келганида, яъни ҳақ бўлганларига оқимга қарши сузишдан чўчимайдилар;
- Бошлаган ишларини тутатмагунларига қалар тўхтамайдилар;
- Ўзларини бошқалар билан таққосламайдилар;
- Бошқаларнинг муваффақият қозонишларига ёрдам берадилар.

Шухрат САТТОНОВ

“Иш, бу — ҳаёт дегани эмас. Ота-она, дўстларингиз учун ҳам яшанг. Айниқса, ота-онани азиз билиб, хизматларини қилинг. Шекспир айтганидек, ота-онанинг овози — Яратганининг овози.”



МАМЛАКАТИМИЗДА БИРИНЧИ

InnoWeek —

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР
ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да 22—26 октябр кунлари хорижий илмий-инновацион марказлар, инвестицион фондлар, технологик агентликлар, технопарклар ва бизнес инкубаторлар иштирокида InnoWeek — инновацион ғоялар ҳафталиги бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этилди.

InnoWeekдан кўзланган мақсадлар:

● давлат органлари, эркин иқтисодий ва кичик тадбиркорлик субъектлари, технопарк ва хусусий тадбиркорлик муассасалари ва шу билан биргаликда, иқтисодиётнинг реал секторлари билан илмий академик ва sanoat илмий тадқиқотчилик муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни чет элнинг етакчи сармоядор фондлари, инновацион марказлари ва бошқа ташкилотлари иштирокида мустаҳкамлаш;

● Ўзбекистон ва ривожланган мамлакатларда технологиялар трансфери жараёнини, шунингдек, иқтисодиёт ва хусусий тадбиркорликни реал сектор корхоналарида ишлаб чиқишни амалга ошириш натижалари билан амалий танишиб чиқишни таъминлаш орқали ички инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни тижоратлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

● инновацион ғояларни, технологиялар ва лойиҳалашда, ишлаб чиқишда, жорий этишда сармояларни кенг жалб этиш, давлат ва хусусий секторлардаги ютуқ ва илм-фанни ички ва ташқи бозорда амалда самарали татбиқ этиш;

● sanoat корхоналарини жадал такомиллаштиришга, илмий-тадқиқот муассасалари, хусусий тадбиркорлар ва инвесторлар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтиришга йўналтирилган минтақавий ва халқаро алоқаларни ривожлантириш;

● халқаро инвестицион фо-

румлар, давра суҳбатлари, семинарлар, маҳорат дарслари ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

● илмий тадқиқотлар, инновацион ва ихтирочилик ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари учун доимий фаолият кўрсатадиган ва тўлдирилган ахборот банкни яратиш.

Матбуот анжумани ва экскурсия

Ҳафталик юзасидан 22 октябр кuni ташкилотчилар ва ОАВ вакиллари иштирокида Ёшлар пресс клубида матбуот анжумани ўтказилди.

Шу кuni журналистлар учун Тошкент шаҳридаги инновацион инфратузилмалар (“Автосаноат” инновация маркази, Геномика ва биоинфор-

матика маркази, D.M.C. инновация клиникаси, Илгор технологиялар маркази) бўйлаб экскурсия ташкил этилди.

Халқаро инновация ярмаркаси

Ҳафталик доирасида 23 октябр кuni Халқаро инновация ярмаркаси очилди. Унда Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари, чет мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари, ишбилармонлар ва инвесторлар иштирок этди.

Иштирокчилар Халқаро инновация ярмаркаси экспонатлари билан яқиндан танишганларидан сўнг Халқаро инновацион-инвестицион форумнинг очилиш маросimini бошлаб беришди.

Spark электромобилининг иккита прототиби намойиш этилди

InnoWeek ярмаркаси доирасида Spark электромобилининг иккита прототиби намойиш этилди.

Spark электромобилларидан бири Турин политехника университетининг инновация марказида Olcha.uz компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Автомобил ННО водород тизими, уч фазали НРЕVS AC-50, 50 кВт, 96 В моторига эга. 30 дона CALB CA100, 100 А*с, 9.6 кВт*с батареяси бор. Мак-

симал тезлиги — 150 км/с. қувват захираси — 80-100 км. қувватлаш муддати — 4 соат (220 В), 1 соат (тезкор қувватланиш).

Автомобил вазифалари гидрозолит қурилмалари орқали амалга оширилади. Ҳаракатланиш вақтида тоза ҳаводан водород ажратади, хусусан, водород генератори водород ва кислородни ажратади.

Ишлаб чиқувчи мутахассисларнинг айтишича, лойиҳага тахминан 200 миллион сўм сарфланган. Барча сарф-харажатлар Olcha.uz компанияси ҳисобидан.

Турин политехника университети ёшлар билан ишлаш бўйича проректори Алишер Ашуровнинг маълум қилишича, электромобили ўз кучи билан яратишган, эҳтиёт қисмларнинг 40 фоизи ўзлари томонидан йиғилган, яна 60 фоизи (мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиганлари)ни хориждан сотиб олишган.

Иккинчи прототип Урганч давлат университетига St-Energy компанияси иштирокида ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқувчилар бу ғояга 2013 йилда келишганини қайд этишди. 2016 йилда улар гибридларнинг биринчи версиясини ишлаб чиқаришни бошлаганлар ва шу йилнинг август ойида электр автомобил тўлиқ тайёр бўлган.

Двигател кучи 15 кВт, гел

InnoWeek доирасида 23 октябр кuni БМТ Тараққиёт дастури, Англия, Италия, Исроил, Россия, Хитой, Қозоғистон корхоналари ҳамда Ўзбекистондаги хорижий компаниялар билан Англашув меморандумлари имзоланди.





батареяси 100А, машина зарядлаш вақти — 4-5 соат. Умумий кучланиш 14 кт кучга эга 130 Вни ташкил қилади. Электр автомобилнинг тезлиги 90-100 км/соат. Ҳайдаш масофаси — 100 км.гача. Батареяларни заряд қилиш учун электр куввати — 10-15 кВт / с.

Ҳар иккала электромобил ҳаракатланади. Урганчликларнинг прототипи, шу жумладан, кўёш батареялари билан ишламоқда.

Ўзбекистонда илк бор экологик гулчанг қопқонлари ўрнатилди

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон тарихидаги илк иккита сўнгги авлода мансуб экологик гулчанг қопқонлари ўрнатилди.

Курилма InnoWeek халқаро инновация ҳафталиги доирасида Ўзбекистон инновацион ривожланиш вазирлиги ва Вена табиёт институти ҳамкорлигида ўрнатилди.

Шу вақтгача аллергиядан азият чекувчи ўзбекистонликлар ҳавода гулчанглар пайдо бўлганидан аллергия реакциялар уч берганидан сўнг хабар топарди. Энди гулчанг мониторинги аллергия мавсуми қачон бошланишини олдиндан прогноз қилиш, ўз навбатида, касаллик авж олиши ҳақида оғоҳлантириш имконини беради.

— Қопқонларга тушган гулчанглар микроскоп ёрдамида текширилади, текширувлар эса ўпкага тушиши мумкин бўлган гулчанг ҳақида тўлиқ маълумот беради. Таҳлил натижалари 2019 йилдан бошлаб Инновацион ривожланиш вазирлиги сайтида мунтазам эълон қилиб борилади. Гулчанг қопқонлари ёрдамида олинган маълумотлар асосида шифокорлар мавжуд аллергия кўзговчилар доирасини қисқартириш, бу эса ўз навбатида, турли кераксиз таҳлиллар учун вақт ва маблағ сарфламаслик ҳамда аниқ ташхис қўйиш имконини беради, — деди вазирлик вакили.

Ҳозирча гулчанг қопқонлари Тошкентнинг икки нуқтасига — Мирзо Улуғбек туманидаги Инновация клиникасига ва Олмазор туманидаги Илғор технологиялар марказига ўрнатилган.

Халқаро инновацион-инвестицион форум

Тадбир “Ўзэкспомарказ”да чет эл илмий инновацион марказлари, инвестицион фондлари, технологик агентликлари, технопарклар ва бизнес инкубаторларининг фаол иштирокида бўлиб ўтди.

“Жаҳон тажрибасига кўра, янги технологияларнинг ривожланиши ҳамда товарлар, хизматлар, ишчи кучи бозорларидаги рақобатнинг кучайиши миллий корхоналарда инновацион фаолиятни янада кучайтириш ва самарали ташкил этишга қаратилмоқда. Бу эса, аҳолининг тез ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, сўнгги кашфиёт ишланма ва технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда замонавий усуллардан кенг қўламда фойдаланишни тақозо этмоқда. InnoWeek доирасида Халқаро инновациялар ярмаркаси, Халқаро инновацион-инвестицион форум ва Халқаро робототехника мусобақаси каби муҳим тадбирлар ташкил этилди. Ушбу тадбирларда Австрия, Буюк Британия, Нидерландия, Италия, Исроил, Россия, Туркия, Эстония, Эрон, Қозоғистон, АҚШ каби дунёнинг 30дан ортиқ давлатлари, нуфузли халқаро ташкилот ва компания вакиллари, илм-фан ва инновациялар соҳасининг етук мутахассислари қатнашди”, — деди тадбирда сўз олган Бош вазир ўринбосари Сухроб Холмуродов.

Мазкур форумда, шунингдек, Инновацион ривожланиш вазири И.Абдурахмонов, БМТнинг доимий координатори ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер, Turboden S.p.A. (Италия) директори Марко Барези, Ўзбекистондаги халқаро ҳамкорлик агентлиги бошлиғи ўринбосари Мунэо Такасака, Systematic inventive thinking компаниясининг устувор йўналишларни излаш ва инновациялар департаменти бошлиғи Мишел Асияг, Ўзбекистонда халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти ваколатхонасининг бошлиғи

Йорг Пуделка ва бошқалар чиқиш қилди.

Халқаро инновацион-инвестицион форумда 2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили мобайнида иқтисодиётнинг барча тармоқларида, худудларда жорий этилган инновациялар ва келажақдаги аниқ истиқболлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан тасдиқланган 2019—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси моҳиятини оммага етказиш ва Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтингига бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакатига қаторига кириши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш бўйича муҳокама бўлиб ўтди.

Инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида ижтимоий, молия-банк, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётнинг реал сектори ҳамда давлат бошқарувидаги инновациялар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган шартнома асосида харид қилиш орқали тижоратлаштириладиган ишланмаларнинг намоиши бўйича конференция ҳам бўлиб ўтди.

InnoWeek: биринчи кунда 9та меморандум имзоланди

InnoWeek доирасида 23 октябр куни БМТ Тараққиёт дастури, Англия, Италия, Исроил, Россия, Хитой, Қозоғистон корхоналари ҳамда Ўзбекистондаги хорижий компаниялар билан Англашув меморандумлари имзоланди. Мазкур битимлар Инновация лабораториялари, иккиламчи энергоресурслар, давлат ахборот тизимлари, соғлиқни сақлаш, робототехника, муқобил энергия каби соҳаларни ўз ичига қамраб олди.

Жумладан, БМТ Тараққиёт дастури билан имзоланган ҳужжат давлат бошқаруви масалаларини режалаштириш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш жараёнлари самардорлигини оширишга давлат хизматчилари малакаси ошишига хизмат қилувчи инновацион ёндашувларни ўрганиш, синовдан ўтказиш ва жорий этишга қаратилган. Шунингдек, давлат хизматларининг фуқаролар ва тадбиркорлар учун сифатини яхшилашга ва имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

Қозоғистоннинг “КАЗРО-БОТИКС” Таълим ва спорт робототехника федерацияси билан имзоланган Англашув меморандумининг мақсади таълим робототехникаси соҳасида ҳамкорлик, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва таълим робототехникасига бағишланган бошқа тадбирларни ташкил этиш ва уларда иштирок этиш, мазкур соҳага оид амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва уларни киритиш, шунингдек, таълим робототехникаси соҳасида икки мамлакат ташкилотлари ўртасида алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

“Хитой маркази” Кембриж инновация парки билан ҳам меморандум имзоланди ва Лондонда Ўзбекистон-Хитой технопаркинни очиш имкониятлари ҳақида музокаралар олиб борилди.

Собит АҲАДОВ, “Xabar” мухбири

“Жаҳон тажрибасига кўра, янги технологияларнинг ривожланиши ҳамда товарлар, хизматлар, ишчи кучи бозорларидаги рақобатнинг кучайиши миллий корхоналарда инновацион фаолиятни янада кучайтириш ва самарали ташкил этишга қаратилмоқда.”



БУХОРОДА

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИГА ЭҲТИЁЖ КАТТА



“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган устувор тамойил кундалик ҳаётимиздан тобора мустаҳкам ўрин олиб бораётганини “Ўзбектелеком” АКнинг Бухоро филиали фаолияти мисолида ҳам кўрса бўлади.

Филиал масъул ходимларининг вилоятдаги бир қатор шаҳар ва туманларда бўлиб, аҳоли, хусусан талаба-ёшлар, абонентлар билан кейинги пайтда алоқа соҳасида рўй берган ўзгаришлар бўйича ўтказиб келаётган муаммолар бирма-бир бартараф этиляпти.

Ўрганиш натижалари юзасидан белгилаб олинаётган чоратадбирлар асосида аниқ амалий ишлар бажарилаётганлиги эътиборга молик. Масалан, Қорақўл телекоммуникациялар боғламасига қарашли Зиёрат қишлоқ телефон тармоғи абонентлари ўрганиб чиқилганда, аҳоли вакиллари орасида интернет ва IPTV хизматларидан фойдаланиш истагида бўлган қишлоқлар оз эмаслиги аниқланди. Фуқаролар билан учрашувлар чоғида ҳудуддаги бир қатор хонадонларнинг эгалари телекоммуникация хизматларига эҳтиёж сезаётганликлари маълум бўлди.

Учрашувлар давомида 2018 йил 10 сентябрдан 9 хонали рақамлаш тизимига ўтиш муносабати билан республика бўйлаб ягона тарифлаш амалга оширилиши, яъни республикадаги барча қўнғирқоқлар шаҳар ичида ҳам, шаҳарлараро ҳам бир хил нархланиши тўғрисида тушунчалар берилди.

Шунингдек, Жондор телекоммуникациялар боғламасининг

Зарафшон қишлоқ телефон тармоғидаги Чорзона, Янгиобод, Мохон, Нурафшон ва Мағит қишлоқларида олиб борилган тарғибот-ташвиқот (реклама) ва тушунтириш ишлари туфайли телекоммуникация хизматлари, хусусан, интернетдан фойдаланувчилар сонининг келгусида янада ошиши кутиляпти.

Филиал ҳамда туман телекоммуникациялар боғламалари масъул ходимлари кўплаб хонадонларда бўлиб, телефон ва интернет тармоғида шикастланишлар юзга келганда таъмирлаш бюросининг “1086” ҳамда “1084” қисқа рақамларига мурожаат қилишлари мумкинлиги тўғрисида тегишли маълумотларни бериши.

Филиал масъул ходимларининг жойларда аҳоли билан ўтказиб келаётган мулоқотлари чоғида мавжуд муаммолар бирма-бир бартараф этиляпти. Вилоят алоқа соҳаси мутасаддилари ҳар ҳафтанинг белгиланган кунда аҳоли истиқомат жойлари, корхона-ташкилотлар ва ўқув муассасаларида бўлиб, замонавий АКТ афзалликлари, соҳада

белгиланган имтиёзлар, интернетдан фойдаланиш тартиб-қоидалари, хусусан, алоқа хизмати тарифларидаги ўзгаришларни батафсил тушунтирмоқдалар.

Таъкидлаш ўринлики, бутунги кунда (жорий йилнинг 1 октябр ҳолатида) виллоят бўйича 26141 нафар абонент интернетга, 3561 нафар мижоз эса IPTV хизматига уланган бўлиб, ушбу хизмат турларидан фойдаланиш истагида бўлган юртдошларимиз сони тобора ортиб бораётир. Биргина кейинги пайтда филиал ҳамда барча телекоммуникациялар боғламалари масъул ходимларининг Шофиркон, Жондор ва Қорақўл туманларида аҳоли иштирокида ўтказилган учрашувлари ҳам бунини яна бир марта исботлади.

Вилоят алоқа соҳаси масъул ходимларининг аҳоли билан самарали учрашув ва мулоқотларини бундан кейин ҳам давом эттириш кўзда тутилган.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ХАЛҚИМИЗ БИРЛИГИ РАМЗИ

Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 29 йиллиги муносабати билан “Давлат тили — халқимиз бирлиги рамзи” мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети доценти захирадаги капитан Тулқин Эшбек Ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатлари, тарихи, шевалари, Ўзе-

кстон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни мазмун-моҳияти, унинг жамоияти миз тараққиётида тутган ўрни, она тилимиз жилolari ҳақида маъруза қилди.

Маърузачи таъкидлаганидек, дунёда уч мингта яқин тил мавжуд, лекин барча тилларга ҳам давлат тили деган шарафли мақом nasib этмаган. Аксарият тиллар империя давлатларининг ҳудудида маълум миллатларгагина уй-рўзгор тили сифатида хизмат қилади. Дунёда ўз суверен ҳуқуқига эга бўлган 193та давлат бўлса, шунга яқинроқ давлат тили мавжуд. Эътибор қилин! Миллий энциклопедия-мизнинг маълумотига кўра, Ер юзидagi уч минг тилдан атиги 116таси давлат тили мақомига эга.

— Она тилимизга давлат тили мақоми берилганидан буён ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунда белгиланган нормаларни амалга ошириш борасида кўп саъй-ҳаракатлар қилинди. Шу билан

бир қаторда, ҳали олдимизда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳам анчагина, — деди нотик тил борасидаги муаммоларга эътибор қаратаркан. — Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатин” асарига сўз дурга қиёсланади. Демак, бу дуру гавҳарнинг асл маъно-моҳиятини билиб сўзлаш жуда муҳим аҳамият касб этади. Демокриманки, она тилимиздаги дурдона сўзларни тўғри қўллаш, адабий тилда сўзлашиш, ёзиш учун изоҳли луғатлардан фойдаланиш зарурлигини ёш авлодга ўргатишимиз, керак бўлса, доим эслатиб туришимиз зарур.

Сўнгги пайтларда кўп ишлатиладиган айрим сўзларимиз шевада фаол қўлланилиши адабий тилимизга путур етказмоқда. Уша сўзлар мазмун-моҳияти ҳам ўзгариб кетмоқда. Айтиш жоизки, шева сўзлари адабий тил нормаларига зид келмаслиги лозим. Масалан, керак сўзи — “кере” шаклида айтилиши хунук эшитилади. Худди, кел-е, кет-е, ўтир-е, тур-е... деганга ўхшатиб

“кер-е” дейилиши — керавер (кер — йир, дегани, бунда гўё — йиравер, деганик) галати туюлади. Айтдим сўзи ҳам — “этим” шаклида қўлланилмоқда. Ваҳоланки, адабий тилимизда этим — бажардим, қилдим, деган маъноларни англатади. Масалан, мен бурчимни адо этдим... Айниқса, бундай сўзлар телекўрсатув ва радиоэшиштиришларда ҳам бот-бот такрорланаётганига тоқат қилиб бўладими?..

Тил байрамига бағишланган маърифий тадбир ҳарбий хизматчиларни янада маънан камол топишларида ўзига хос ижод ва маҳорат мактаби ҳам бўлганини эътироф этсак арзийди. Тадбир маърузачининг буюк тарихимиз ва бутунги ҳаётимизнинг турли саҳифаларидан олинган қизиқарли маълумотлари асосида савол-жавоблар билан ўтиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Абдуқодир ОТАБОВ,
МАТБ маданият ҳорлиқ
ишлари бўйича катта офицер —
клуб бошлиғи катта лейтенант





БОЛАНГИЗНИ “НАУШНИК” ДАН ЭҶТИЁТ ҚИЛИНГ

Яқинда дугонам боласи яхши эшитмаётганидан шикоят қилиб қолди.
— Ахир унинг ҳамма аъзолари яхши ишларди-ку, — дедим ажабланиб. —
Эҳтимол, бирор нарсадан қаттиқ асабийлашгандир.
— Билмадим, лекин кейинги пайтларда қўлидан телефон, қулоғидан “науш-
ник” тушмай қолди. Шунинг ҳам таъсири бўлиши мумкинми?
— Албатта, буни мутахассис сифатида айтяпман.

Дарҳақиқат, инсон ҳаётида эшитиш сезгисининг аҳамияти гоёат катта, чунки эшитиш орқали одам атрофдаги 50-60 фоиз маълумотни қабул қилса, 30-40 фоизини бошқа сезги аъзолари орқали олади. Эшитишнинг заифлашуви вақтинча меҳнат қобилиятининг йўқолишига, ички қулоқдаги анатомик ва функционал ўзгаришлар эса ногиронликка сабаб бўлади.

Эшитиш аъзолари заифлиги ҳозирги кунда аҳоли, асосан, болалар орасида кенг тарқалган касалликлар жумласига киради. Бугунги кунда мобил телефонларнинг кўплаб зарарлари аниқланган. Телевидение ва радио эшитириш ҳамда Wi-Fi интернет технологияларини ўзида тутувчи мобил телефонлар орқали одам деярли сутка давомида паст даражали радиочастота майдони таъсири остида бўлади. Эшитиш мосламалари орқали мусиқани баланд темпта мунтазам равишда тинглаш ҳам эшитув анализаторига таъсир қилиб, унинг фаолияти бузилишига олиб келади.

Мобил телефон тўлқинлари эшитув заифлиги, мия фаолиятининг бузилиши, саратон, ақлий заифлик, бепушглик, хотира пасайиши каби касалликлар хавфини оширади. Бугунги кунда дунё бўйича нейросенсор эшитиш заифлиги билан 10-15 фоиз инсонлар касалланган. Айниқса, касалликка

ёшларнинг кўпроқ чалиниши асримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қоляпти.

Нейросенсор заифлиги (Кохлеар неврит) ички қулоқ чиганоқ қисмида жойлашган анализатор шикастланиши натижасида эшитиш маркази зарарланиши туфайли юзага келади.

Касалликнинг куйидаги сабаблари мавжуд:

- наслий омиллар;
- туғма омиллар (онаси ототоксиклар олган бўлса);
- ортирилган (бола киндигига ўралиб тугилганда, мия гипоксияси билан кечганда ва ҳоказо);
- юкумли касалликлар (менингит, грипп, парагрипп, қизамик, гепатит);
- ички қулоқ жароҳати (мия жароҳати, ўтқир ва сурункали қон айланшининг бузилишлари);
- психоген таъсирлар;
- кучли акустик травмалар;
- вибрациялар;
- уяли алоқа воситалари ва қулоқ орқали эшитиш мосламалари (“наушник”)дан мусиқани баланд темпта мунтазам равишда тинглаш (мия ўсмалари, ақлий заифлик).

Бу ҳолатлар эшитишнинг пасайишига, қулоқда шовқин пайдо бўлишига, баъзан умуман эшитмасликка олиб келади. Одам қулоғи соғлом бўлганида 10-15 децибел товушларни пайқай олади.

“Наушник”да эса 120 децибелгача товуш ҳосил бўлиб, бундай баланд товуш нафақат эшитиш аъзоларига, балки асаб тизимларига ҳам салбий таъсир қилади. Энг ёмони, анча баланд товуш “наушник”да худди метёдрагидек туюлади. 90 децибелдан баланд бўлган товуш инсон асаб тизими тоаларига зиён етказиши аниқ.

Одатда асаб тоалари 30 мингта бўлса, жуда баланд товушда уларнинг 25 фоизига шикаст етиши аниқланган. Бундай вазиятда инсон қар бўлиб қолиши мумкин. “Наушник” орқали мусиқа эшитишга муккасидан кетганлар аввалига яхши эшитмаётганини ўзлари сезмайдилар. Уларга баланд оҳангга гапирмасангиз эшитмайди, суҳбат жараёнида эса битта гапни бир неча бор такрорлашингизга тўғри келади.

Касалликни даволашда уни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш ва ЛОР шифокори назоратида бўлиш зарур.

Шундай экан, фарзандларимиз саломатлигига эътиборли бўлган ҳолда уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш ва “наушник” тақиб юришининг зарарли оқибатларидан огоҳ бўлишимиз ва бундай ҳолатга йўл қўймаслигимиз зарур.

Лазоқат ХУДОЙБОҚОВА,
Оққўрғон туман марказий
поликлиникаси бош шифокори

Одатда асаб тоалари 30 мингта бўлса, жуда баланд товушда уларнинг 25 фоизига шикаст етиши аниқланган. Бундай вазиятда инсон қар бўлиб қолиши мумкин.

МАСЛАҶАТ

Батарейаларни қандай танлаш керак?



Бошқарув пулти, қўлчирик, болалар ўйинчоқлари — батарейаларнинг қўлланиш соҳалари жуда кўп. Айниқса, АА тоифали ишқорли батарейалардан кўп фойдаланамиз. Ўз-ўзидан савол туғилади: бу батарейаларнинг қуввати қанча вақтга етади?

Батарейанинг хизмат муддати унинг нархи, ишлаб чиқарувчиси ва албатта, у ўрнатилган қурилмадан қанчалик кўп фойдаланишга боғлиқ.

Хизмат муддати

Вақт ўтиши билан исталган, ҳатто ишлатилмаган батарея ҳам қувватини йўқотади, шунинг учун уни сотиб олишда яроқлилик муддатига эътиборли бўлинг. Ишқорли батареялар учун бу муддат — 5—10 йил.

Ҳаво ҳарорати

Батарейаларнинг муқо- бил ишлаш вақти ҳаво ҳароратига ҳам боғлиқ. Жуда совуқ ва иссиқ ҳаво ҳарорати унга салбий таъсирини ўтказади. Энг мақбул вариант: хона ҳарорати ва намликнинг камлиги. Эсада тунинг намлик ўта кучли шароитда батареялардаги ишқор оқиб кетиши мумкин.

Битта ишлаб чиқарувчи

Кўп батарея ишлатиладиган қурилмалар учун донм битта ишлаб чиқарувчининг батареяларини танланг. Бу қурилманинг бир метёдра ишлаши учун зарур.

Такрор фойдаланиш

Қўлчирик қурилмадаги (масалан, ўйинчоқдаги) батарея қувватини йўқотса, уни камроқ қувват кетувчи қурилмаларда қайта ишлатиш мумкин. Масалан, ўйинчоқ учун “умри тугаган” батарея телевизор ёки кондиционер пултида анча вақт ишлаб бера олади.

ТАДҚИҚОТ

ЎСМИРЛАР iPhone'ни ТАНЛАШДИ

Apple компанияси AQSH bозорida mustaqam urniga ega, bu erda iPhone smartfonining ulushi bosqamamamlakatlardagidan kattaroq, yangi utkazilgan tadqiqot esa bu ulush yanada usishi mumkinligini kurasadi.



Piper Jaffray kompaniyasi AQShning 11 shatida 8600 nafar usmir urtasida surov utkazdi: "Siz hozir qanaqa smartfondan foydalanasiz va kelgusida qaysi rusumdagisini sotib olmoqchisiz?"

Aniqlanishicha, surovnomada qatnashganlarning 82 foizi "ayfon"lardan foydalanipti, taqqoslash uchun: 2017 yili usmirlarning 76 foizida "ayfon" bor edi.

Surovda qatnashganlarning 86 foizi yana iPhone sotib olishni rejalashtirayotganini bildirgan, 10 foizi esa android amaliy tizimida ishlovchi smartfoni bulishini hoхlaydi.

ТЕХНОЛОГИЯЛАР



ХИТОЙДА ОСМОНГА СУНЬИЙ ОЙ ЧИҚАРИЛАДИ

Хитойнинг Ченгду шахрида иккинчи Ой пайдо булади. Технологик ериткич тунги чироқларнинг urnini eгаллаши kutilmoqda.

"Иккинчи Ой"ни 2020 йилда осмонга чиқариш режалаштирилган. У хақиқий Ойдан саккиз марта ёруғроқ ва 10–80 километр диаметраги майдонни ёрита олади.

Суньий Ойнинг ёритиш диапазонини un километргача сошлаш mumkin. Ушбу янгиликни хусусий космик компания тақдим этмоқда.

ХАВФСИЗЛИК

ҚАЙСИ ЁШ ТОИФАСИДАГИ ОДАМЛАР ЭНГ КўП КИБЕРФИРИБГАРЛАР ТУЗОФИГА ТУШАДИ?

Банкларнинг 28–40 ёш тоифасидаги мижозлари бошқаларга қараганда кўпроқ киберфирибгарлар тузоғига тушяпти. Бу хақда ТАСС хабар берди.

Қайд этилишича, 28–40 ёш тоифасидаги кишилар ахборот технологияларига бошқача ёндашди, аниқроғи улар бу технологияларга ҳалдан зиёд ишондилар.

Хавфдан энг узоқ асосий гуруҳ қариялар бўлиб, улар фирибгарлардан химояланишни яхшироқ ўрганган.



СИЁСАТ

ХИТОЙНИНГ АҚШДАГИ САЙЛОВЛАРГА АРАЛАШУВИ ХОЛАТЛАРИ АНИҚЛАНМАДИ

Facebook ва Twitter ижтимоий тармоқларининг вакиллари Хитойнинг АҚШ Конгресси учун оралиқ сайловларга таъсири аниқланмаганини маълум қилди.



Компаниялар томонидан қайд этилишича, мутахассислар ҳозирча Хитойнинг Америка сайловларига эҳтимолий аралашуви изларини топа олмаган.

Шу билан бир вақтда, ижтимоий тармоқлар Россия ва Эрон Конгресс сайловларига таъсир кўрсатишга уриниб кўрган булиши mumkinligini тахмин қилмоқда.

СМАРТФОНЛАР

ХИАОМИ 10 ГБ ОПЕРАТИВ ХОТИРАЛИ ИЛК СМАРТФОННИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Xiaomi kompaniyasi uyinlar uchun muljallangan, juda kuchli operativ хотирали ва сувда совитиладиган tizimga ega smartfonini taqdim etdi.

Smartfonning nomi — Black Shark Helo. Bu 10 GB operativ хотирага ega dunyodagi ilk smartfon, deya xabar berdi Android Authority.



Black Shark Helo:

- Дисплей — 6 дюймli AMOLED-экран (HDR)
- Кўш стереодинамика
- Процессор — "Snapdragon 845"
- Аккумулятор — 4000 мАс.
- Асосий камера — 12+20 МП
- Орт камера — 20 МП
- Оғирлиги — 190 грамм.

МЕССЕНЖЕРЛАР

FACEBOOK ЯНГИЛАНГАН MESSENGERНИ НАМОЙИШ ҚИЛДИ

Мессенжерлар бозоридagi raqobat kuchayib, bu turdagi ilovalar ham takomillashmoqda. Facebook kompaniyasi ham Messenger ilovasining yanada yaxshilangan turтинчи versiyasini tayirladi.

Ushbu dasturning tashqi kurinishi yangilandi, uni bosqariш ham quлайlashtirilgan. Bundan tashqari, messenjerda avvalgi tugkizta urniga endi uchtagina varaqa buladi.

Facebook Messenger 4 yangilanganidan keyin unda kuyidagi asosiy bulimlar qolgan: Chats, People va Discover. Bulardan birinchisida foydalanuvchining barча kontaktlar bilan eziшmalari aks etadi, ikkinchisida esa ayni damda onlayn bulgan yuzerlar kurasitiladi. Uchinchi varaqa



orqali esa uyinlar va bosqam turli servislarга utiladi.

Ilovaning funksionali ham yangilangan, masalan, endi fotosuratlarini uzatish anча soddallashtirilgan. Buning uchun rasmini barmoқ bilan ushlab, kerakli foydalanuvchi tomoniga suriш etarли.

Bundan tashqari, Facebook Messenger ishlab

chiquvchilari smartfonsozlikda urfга kirgan gradient ranglarini ushu dasturga ham joriy etiшgan. Endi bulimlarini varaklanganda ular muntazam tarzda turli ranglarга кириб турadi.

Yangilangan Facebook Messenger 4 ilovasi yqin orada barча foydalanuvchilar uchun taqdim etilishi kutilaetir.

5G

5G-СМАРТФОНЛАРИНИ ҚАЙСИ КОМПАНИЯЛАР ЧИҚАРИШИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Qualcomm kompaniyasi Snapdragon X50 процессорининг 5G-модемини ishlatadigan hamkor kompaniyalar ruyhatini eълон қилди. Beshinchi avlodni tarмоқlarга tarқatish 2019 йилда бошланади. Shunday экан, birinchi smartfonning yaқin orada chiqishini kutmaса ham булади.

Qualcomm kompaniyasining hamkorlari ruyhati kuyidagicha kurinish olди. Xiaomi, Asus, Sony, OnePlus, LG, Nokia, HTC, Motorola, Oppo, Vivo va Sharp. Yana unga ZTE, Lenovo va Meizu ham kushildi. Demak, ushu kompaniyalardan kelasi йили 5G bilan boeliқ anonslarini kutib qolsak arziydi.

Snapdragon X50 modemi 5Gni kulab-kuvatlaydigan birinchi процессор булди. У 28 нанометрli техпроцессорда қурилган булиб, тезлигини сонясига 5 Гб.гача ошира олади.

Умуман олганда, tijorat maқса-



дida dunёda ilk 5G тармоғи Verizon kompaniyasi tomonidan yaқinda AQShning айрим shatlarida rasman ishга tuшirilgan edi. Biroқ ular umumqabul қилинган 5G NR standartidan foydalanмай, uzinikini ishlatmoqda. Shu боис, ushu ishга tuшirilgan 5G тармоғини unчалик ham "xalol" deb bulмайди, дейилмоқда mazkur xabarда.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Жанубий Кореяда 8 октябр кuni БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро махсус комиссия (ИУБХМК) ўзининг махсус ҳисоботи-ни тақдим этди. Ҳисоботни тайёрлашда иштирок этган голланд олимаси Ҳелин де Конинк дунёни иснидан сақлашда ҳали умид бор эканлигини маълум қилмоқда.

Иқлимшунос мутахассислар охириги уч йил ичида иқлим исинишнинг “хавф-сиз” даражаси қандай бўлиши юзасидан ўз қарашларини ўзгартирдилар.

Ўнлаб йиллар давомида олимлар аер охирига қадар дунёда фалокатли ҳолат юзага келмаслиги учун глобал исниш даражаси Целсий бўйича иккидан пастда сақланиши лозимли-гини таъкидлаб келган эдилар. Эндиликда улар глобал исиниш 1,5Сдан оширмастик борасида баҳслашмоқдалар. Бироқ, мутахас-сисларнинг бари глобал исиниш бу даражадан пастда сақлаб туриш осон иш эмаслигини тан олади.

Жанубий Кореянинг Инcheon шаҳрида турли давлат делегациялари билан атмосферага иссиқхона газла-рини чиқариши имкон қадар камай-тириш ва глобал исиниш 1,5Сдан пастда сақлаб туриш бўйича музока-ра олиб борган ИУБХМК экспертла-ри мазкур мақсадни амалга ошириш дунёни қанчалик сақлаб қолиши мумкинлиги бўйича ўз фаразларини илгари сурди.

Олимлар нега ўз фикрини ўзгартирди?

Узоқ йиллар давомида глобал исиниш 2 даражадан пастда сақлаб туриш етарли, деб келган олимлар нега ўз фикрини ўзгартирди? Қисқача айт-ганда, бунинг сабаби — сиёсат, дей-ди мутахассислар. Исиб бораётган ду-нённи ҳалокатга юз тутишдан асраш учун глобал исниш даражасини 2Сдан пастда ушлаб туриш лозимлиги гоёси илк бор 1975 йилда америкалик икти-содчи Униял Нордхауз томонидан ил-гари сурилган эди. Бироқ, 1990 йил-ларга қадар бирор давлат атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газларини чеклаш масаласига жиддий эътибор қаратмади. Ниҳоят, 1990 йиллар ўрта-сида Европа давлатлари 2 даражали чеклов бўйича қўшма битимларни имзолади. 2010 йилга келиб эса иқлим исиниш муаммоси БМТнинг асосий сиёсатидан бирнга айланди. Аммо ки-чик орол давлатлар ва денгиз сатҳи-



ГЛОБАЛ ИСИШ

Илм-фан иқлим яхшиланишига ҳали умид борлигини кўрсатмоқда

дан унча баландда жойлашмаган мам-лакатлар икки даражали чеклов сиё-сатидан норозилик билдира бошлади. Бундай давлатлар агар иқлим исини бундан ҳам паст даражада ушлаб турилмаса, музликларнинг эриши орти-дан кўтарилган денгиз суви уларнинг худудини қисиб кетиши мумкинлиги-ни таъкидлайдилар.

2009 йили Дания пойтахти Копен-гаген шаҳрида иқлим исиниш бўйича чақирилган саммитда иқлим ўзгари-шидан энг кўп зарар кўриши мумкин давлатлар белгиланган чеклов янада паст даражада бўлиши зарурли-гини илгари суришди. Бироқ, саммит-да иштирок этган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам бу талабга қўлоқ тутма-ди ва йигилиш самарасиз яқун топди. Шундай бўлса ҳам 1,5 даражали гоё исиз йўқолиб кетмади. 2015 йили Па-рижда бўлиб ўтган музокаралар даво-мида француз дипломатлари мазкур гоё бўйича бой ва камбағал давлат-ларни муросага келтиришга уринди-лар ва бу ҳаракат иш берди.

Ярим даража шунчалик муҳими?

Олимлар глобал исиниш атиги ярим даражага пасайтириш катта иж-обий натижаларни олиб келиши му-млинлиги таъкидлайди. ИУБХМК ма-хсус ҳисоботида 1,5 ва 2 даражали чек-ловлар ўртасидаги фарқ дунёга қан-

чалик таъсир қилиши мумкинлиги юзасидан мавжуд фарқлар бўйича ай-рим муҳим рақамлар келтирилган. Де-мак, 1,5 даражага эришилса:

- Денгиз сувининг кўтарилиши туфайли ўз уйдан ажралиши мумкин бўлган одамлар сони 10 миллионга камаяди;

- 2 миллион квадрат километр абадий музлик эришдан сақлаб қо-линади;

- Сув тақчиллигидан қийиналаёт-ган дунё аҳли сони 50 фоизга кама-яди;

- Ёз фаслида Арктикада музлик-лар эришини атиги бир фоизли чек-лов остида ушлаб туришга муваффақ бўлинади;

- Иқлим ўзгариши туфайли жон-зотларнинг қирилиб кетиши 50 фо-изга камаяди.

ИУБХМК ўз ҳисоботида мазкур масалани диққат билан ўрганиб чиқ-қан. Комиссия экспертлари бу рақам-га эришилса, юқорида таъкидлангани-дек, кўплаб ижобий ўзгаришларга эри-шиш мумкинлигини идлао қилади. Бунинг учун улар ҳаводан карбонат ангидрид газини ажратиб олишга им-кон берувчи турли дарахтлардан тор-тиб ҳар хил технологияларни қўллаш-ни таклиф қилган. Бироқ, барча соҳа мутахассислари ҳам бу масала юзаси-дан ИУБХМК экспертлари каби нек-бин кайфиятда эмас. “2 даражали чек-ловда йўқолиб бораётган жонзотлар

1,5 даражада ҳам қирилиб кетишда да-вом этаверади”, — дейди Халқаро Ёввойи табиат фондидан доктор Сти-вен Корнелиус.

Янги мақсадга эришиш мушкул масала

Мутахассислар таъкидича, глобал исиниш 1,5 даражадан пастда ушлаб туриш жуда мушкул масала. ИУБХМК ҳисоботида агар ҳозирда инсоният қўлида мавжуд барча имкониятлар ишга солинганда ҳам бу мақсадга 2040 йилга борибгина эришиш мумкинли-ги тахмин қилинади. Ҳисоботда тилга олиб ўтилган чораларни бажариш БМТ аъзо давлатлари учун мажбурий эмас. Асосий муаммо ҳам шунда, таъкид-лайди экспертлар.

Ҳисоботда глобал исиниш 1,5 дара-жадан пастда сақлаб туриш йўлида ис-сиқхона газлари чиқаришни кескин ка-майтириш, муқобил энергиядан фой-даланишга шиддат билан ўтиш, ҳатто, турмуш тарзи ва овқатланиш тартибини жиддий ўзгартiriш каби чора-тадбир-ларга амал қилиш ҳақида суз боради.

Ҳали анча умид бор

“Иқлим исиниш 1,5Сдан пастда сақлаш ҳозирги кун учун эришиб бўлмас мақсаддек кўринаётган бўлса-да, кўплаб давлатлар иқлим ўзгариши муаммосига эндиликда жиддий қара-моқда, — дейди ҳисобот муаллифлари-дан бири Ҳелин де Конинк. — Маса-лан, Британия ҳукумати яқин келажак-да “атмосферага иссиқхона газлари чи-қаришни нол даражага камайтириш бўйича қонун қабул қилиш” масалала-рини ўрганаётганини хабар қилган”.

Айрим экологлар эса глобал исни-шга қарши янги технологиялар ёки мил-лиардлаб дарахт ўтказиш билан кура-шиш шарт эмаслигини таъкидлайди. “Агар биз ҳозирда атмосферага чиқа-рилаётган иссиқхона газларини кескин қисқартирсак ва озиқ-овқат маҳсулот-лари етиштириш учун табиий муҳити бузилган ерларни қайта тикласак ёки гўшт истеъмол қилишни камайтирсак, шунинг ўзи 1,5 даражали мақсадга эри-шишда етарли бўлади, — дейди ўрмон-ларни муҳофаза қилувчи Fern ташки-лотидан Ханна Моват. — Шундан сўнг ҳаво тоза бўлади, семизлик даражаси ҳам пасаяди. Табиий муҳити ваёрон қилиниб, саноатлаштирилган дунёдан кўра шуниси яхши”.

ЕВРОИТТИФОК БАЁНОТ БИЛАН ЧИҚДИ

Европа Иттифоқи АҚШ ва Россияни Ўрта ва қисқа масофали ракетага оид шартнома бўйича “самарали мулоқот”ни да-вом эттиришга чакирди. Мазкур баёнот ЕИ ташки сиёсат хизмати расмий сайтида Доналд Трамп Москвани бу шартнома-ни бузганликда айблаб, Вашингтоннинг ушбу битимдан чиқишини эълон қилганидан сўнг пайдо бўлди.



Баёнотда европаликлар “Европа хавфсизлиги ва глобал хавфсизлик учун ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлган” ушбу келишувни бажаришда давом этиши-ни кутаётгани қайд этилган. ЕИ Россия шартномага риоя қилиш бўйича ўз мажбуриятларига “жиддий” ёндашишига, АҚШ эса ушбу шартномадан чиқиши эҳтимолли оқибатлари тўғрисида ўйлаб кўришига умид билдирган. ЕИ вакиллари янги курулганиш пойғаси-дан хавфсизлаштирилган ҳамда 30 йил аввал тузил-ган шартнома Европа хавфсизлиги архитектурасининг негизини ташкил этишини эслатганлар.

ХИТОЙДА ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗУН ДЕНГИЗ КЎПРИГИ ОЧИЛДИ

Ушбу кўприкнинг узунлиги 55 километр бўлиб, Ҳонконг ва Гуангдонг провинцияларини ўзаро боғлайди.

Ҳонконг ва Гуангдонг провинциясини кўприк билан боғлаш гоёси 1980 йиллар охирида пайдо бўлган, аммо йигирма йилдан кўпроқ вақт мо-байнида эҳтимоллий лойиҳалардан бири бўлиб қолди. 2003 йилда Хитой марказий ҳукумати лойиҳани олдиндан ҳисоблаш ва ишлаб чиқиш ҳақида кўрсатма берди.

Кўприк қурилиши 2009 йил декабр ойда бош-ланди. У 2016 йилда тугатилиши керак эди, бироқ кўплаб омишлар, жумладан, ноқулай об-ҳаво шаро-итлари бунга тўсқинлик қилди. Шунга қарамай, кўприк қуриб битказилди. Лойиҳа муҳандислари мураккаб тузилмани яратишди, у умумий узунли-ги 22,9 км. бўлган сув устидаги кўприкнинг бир неча қисми, 6,7 километрлик сув ости туннели, бир неча суний ороллар, шунингдек, махсус чегара назо-рат-ўтказиш пунктларидан иборат. Кўприк Ҳон-

конгдан Чжухайгача масофани уч соатдан 30 дақи-қагача қисқартиради.



Саҳифани У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Марк ТВЕН
(1835–1910; АҚШ)

(Охири. Бошланиши ўтган сонларда.)

Қолган хатлар ҳам шу каби мазмунга эга эди. Мен бундай мисолларни кўплаб келтиришим мумкин эди-ю лекин шуларнинг ўзи ҳам китобхонга ортиқчалик қилади, деб қўрқаман.

Шу орада республикачилар партиясининг асосий газетаси мени сайловчиларни сотиб олмоқчи бўлганимни “ошқор қилди”, демократларнинг марказий газетаси эса жинояткорона таъмагирилик билан пора олганимни “фош этди”.


(Шундай қилиб мен яна иккита: “Твен, сайловчиларни сотиб олувчи ифлос Фирибгар” ва “Твен, Қабих Товламачи”, деган лақабга эга бўлдим.)

Кейин барча газеталар зиммамга тушган ҳамма даҳшатли айбномаларга “жавоб” талаб эта бошлагач, менинг партия муҳаррир ва раҳбарлари бундан кейинги суёткашлик ва сукут сақлашнинг сиёсий мартабамга путур етказишни айтишди. Эртаси куни худди шуни исботлаш ва мени қистовга олиш мақсадида газеталарнинг бирида мана бундай мақола пайдо бўлди:

“Мана бу одамга бир қаранг-а! — Мустақилларнинг номзоди қатъият билан сукут сақлашда давом этапти. Албатта, у гинг деб оғиз очолмайди. Сермаъно сукут сақлаши унга юкланган айбноманинг нақадар тўғри эканини исботлаб турибди. Эндиликда у бир умрга шарманда бўлиб қолди! Мана бу Разил Қасамхўр жиноятчини, Монтан ўғрисини, Мақбаралар Мурдорини бир томоша қилинг-а! Ўзларингизнинг “Арақхўр, Ифлос Фирибгар ва Қабих Товламачиларингизга бир қаранг-а! Яхшилаб кўриб олинг-да, ўзининг жиноятлари билан шунча лақабни орттирган ва айбномаларнинг лоақал биттасини ҳам рад этиш учун оғиз очмишга журъат этолмаган шу аблаҳ учун овоз бериш-

ГУБЕРНАТОРЛИККА САЙЛОВЛАР

Марк ТВЕН



(Хикоя)

бўлиб қолди. Унда гўё уйимнинг деразасидан қараганда манзарани бузиб тургани учун жиннихонани барча телбалар билан бирга ёқиб юборганим ёзилганди. Ваҳимага тушиб қолдим. Кейин амакимнинг бойлигини ўзлаштириб олиш мақсадида

унга заҳар бериб ўлдирганликда айблашиб, қабрни очиб кўришни талаб этишди. Ақлдан озиб қоламаним, деб роса қўқрдим. Лекин, бу ҳам камлик қилди: мени яна ташландиқ болалар етимхонасининг мутаваллиси бўлган пайтимда ақлдан озган ва тишлари тўкилган қариндош-уруғларимни

етимхона овқати билан боққанликда айблашди. Шундан кейин бир сатр ҳам “жавоб” ёзишга қўлим бормади.

Ниҳоят, менга душман партиянинг шармандали галямислиги

ўзининг энг чўққисига чиқди: сайловолди йиғилиши ўтказилаётган пайтда кимнингдир гийбати билан ранглари турлича бўлган тўққизта чувринди бола минбарга чиқиб оёқларимга ёпишиб олишди-да, бараварига: “Дала!” — деб бақирдишди.

Чидаш беролмадим. Байроқни тушириб таслим бўлдим. Нью-Йорк штати губернатори лавозимига сайлов кампаниясида қатнашишга ожизлик қилдим. Мен ўз номзодимни рўйхатдан чиқариб ташлашни ёзиб жаҳл устида мана бундай имзо чекдим:

“Сизга ҳурмат билан, бир пайтлари соф виждонли киши бўлган ва эндиликда:

Разил Қасамхўр Жиноятчи, Монтан ўғрисини, Мақбаралар Мурдори, Арақхўр ва Ифлос Фирибгар — Марк Твен”.

Русчадан Абдуворис АБДУМАЖИДОВ таржимаси

бермаслигини айтиш!”

Энди афтидан бўйин товлаш мумкин эмасди, шунинг учун ҳам ўзимни хўрланган сезиб ана шу ҳамма бемаъни тўхматларга “жавоб” ёзишга ўтирдим. Бироқ бу ишни тугатолмадим, чунки эртасига газеталардан бирида яна даҳшатли, қаҳр-ғазабли бўҳтон пайдо

ЁЗУВЧИ ҲАЁТИДАН:

● Марк Твен янги қурилган магистралдан ўтаётиб куйидагини ёзувчи ўқийди: “Бу йўлдан Марк Твен ўтган. Йўлдан ўтиш нархи — 10 цент!” Твен хўжайинга юзланиб, бу йўл эндигина қурилганини, бу ердан бирон марта ўтмаганини айтди. Эртаси куни эълон ўзгарди: “Хозиргина машҳур ёзувчи Марк Твен бу йўлдан ўта олмади! Сиз эса ўтиш учун энди 25 цент тўлайсиз! Бу ҳақида Марк Твеннинг янги романида ўқинг!”, Ёзувчи хўжайинга ўз газабини намоян қилгач, эълон яна алмаштирилди: “Хаттоки машҳур Марк Твен бу янги йўлнинг кўркамлигини таърифлашга сўз топа олмаяпти! Энди Сиз йўлдан ўтиш учун 50 цент тўлайсиз!!!”

● Марк Твен газетада муҳаррир бўлиб ишлаган. Бир сафар унга почта орқали ўқувчилардан бирининг хати, унинг ичиде эса хароб аҳволдаги шеър чиқади. Шеърнинг номи ҳам ажойиб: “Мен нега тирикман?”. Марк Твен чала шоирга хат юборади: “Хатни шахсан ўзингиз олиб келмаганлигингиз туфайли тириксиз!”

● Марк Твенни Янги йил куни меҳмонга таклиф қилишади. Оиланинг ажойиб одати бор эди. Ўша куни тайёрланувчи чучеаралардан бирининг ичидан тугма ёки танга чқар, уни топган одамга бахт ва омад кулади дейишарди. “Жаноб Твен, таомни ким биландир ейиш мароқли, агар хоҳласангиз кимнидир таклиф қилишингиз мумкин. Хўш, кимни таклиф қиласиз?” — дейди мезбон. Твен юқоридеги одатни эсдан чиқармаган ҳолда жавоб беради: “Жаноб, Рентгенни, албатта!”

● Марк Твен ўзи ишлайдиган газетада бир чайқовчи ҳақида мақола чиқаради. Мақолани шундай якуنлайди: “Бу одам хаттоки юзига тупуришимизга ҳам арзимайди!”. Жаҳл отига мингаан чайқовчи раддия талаб қилади. Твен эса келаси сонда куйидаги сўзлардан иборат раддияни чоп эттиради: “Бу одам юзига тупуришимизга арзийди!”

● Марк Твенга аноним хат келади. Унда фақатгина “Чўчка” деб ёзилганди. Марк Твен эртаси куни газетада чиқиш қилади: “Аваллари имзосиз хатлар олардим, кеча менга хатсиз имзо келди!”

ҚИСКА ҲИКОЯ

БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

Барчанинг жонига тегар даражада шафқатсиз ва учраган кимса сени туртиб кетар даражада юВВОШ бўлма.

Саъдий ШЕРОЗИЙ

Аёл уйда бир чумолини кўрди. Эгилиб унга шундай деди:

— Ҳой миттигина, сен бу ерга қаердан келиб қолдинг? Сени босиб олишлари мумкин. Кел, инингга элтиб қўяман. Атрофда ўйнаб юрган ўгли чопқиллаб югуриб келди:

— Онажон, ким билан гаплашасиз?

— Чумоли билан, кўзим!

— Чумоли сизни тушунадими?

— У тушунмаса ҳам сен тушунасан-ку, болам!

Чумолини қоғоз бўлаги устига чиқариб, уни инига элтиб қўйишди.

Ўша куни бола ҳам ўртоқлари би-

лан бирга ерга тушган чумолиларни олиб инларига этиб қўйди. Бошқа бир она эса чумолини кўриб қолиб:

— Ушла! Ўлди! Қаердан келди бу?

— деб чумолини тутиб ўлдирди.

Унинг ўгли ҳам ўртоқлари билан бирга кўринган чумоли борки, ҳаммаси ушлаб ўлдирди.

Бадиуззамон ҳазратлари (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) ушбу масални шундай тушунтирадилар:

— Инсоннинг энг биринчи устози ва ўрнак оладиган кишиси унинг онасидир. Мен мана шу саксон йиллик умрим давомида саксон минг зотлардан таълим олганим

ҳолда онт ичиб айтаманки, менга асосий таълим-тарбияни берган марҳума волидам бўладилар. У киши берган тарбия шууримда, вужудимда, маънавиятимда илм долларидек сочилган. Онамдан олган аксар дарсларимни ҳозирги кунда ўша доллар устига бино қилинганини кўп бора гувоҳи бўлганман. Аёллардан пайгамбарлар чиқмаган, бироқ ҳар бир пайгамбарнинг онаси аёлдир. Жуда кўп авлиё ва буюк олимлар онасини устоз деб билишган. Чунки, она бола учун энг гўзал намуна, энг биринчи устоздир!

Туркчадан Фотима АЛИЙ таржимаси

ДАВР ҲАММАМИЗДАН ЖАСОРАТ ТАЛАБ ЭТАДИ

“Уттиз йиллик телекомчиман. Касбимни жуда севаман. Умримнинг 30 йили давомиди соҳа ривожига оз бўлса-да, хизматим қўшилаётганидан фахрланаман.”

Устозим Шермат ака Холиқов соҳамиз тарихидан сўз очилса, қизиқarli воқеалардан сўзлаб берарди. 50-йилларда ишлаганларнинг айтишларича, алоқа сифатсизлигидан бақриб-чақриб гаплашишган экан. Телефон хонадонларга туширила бошланганда, бутун маҳалла телефонни кўргани келар, баъзилар кўрқиб, айримлар ҳадиксирабгина ушлаб қўришаркан. Телефон мўжизаларнинг ҳам мўжизаси бўлган. Аслида ҳам шундай. Компютер қурилиши тарихида санаш мосламаси, телефон, телевидение, радио бир-бирига боғлиқ ва ўз ўрниларига эга. Аста-аста рақамли дунёга етиб келдик. Охиригача англаб етиш мушкул бу тилсимотларни. Лекин янги замон болалари бу гаройиб оламга ўн ёшга яшамай “кириб” келишмоқда. Ёнимда олиб юрганим учун ўғлим Рамзбек мактаб ёшидаёқ менинг касбимни эгаллаб олди, десам олақа бўлмайди. Назарий билимлари йўқ бўлса ҳам бир нарсаларни йиғиб-териб ташлайди. Бир куни онаси икковимизга “Мана, кўринлар, светомюзика”, дея мобил телефондан ёритилган мусиқа кўйиб берди.

— Шунингиз сизни доғларда қолдирадиёв; — деди онаси. — Лекин, мен, турган гапки, кувончимни сездирадими. — У ҳам отасига ўхшаб, ТАТУда ўқиб хизматларини чексагина мен унга қўйиб қўламан, дедим. Болани мактаб талтайтирмаслик керак, ярим йўлда тўхтаб қилиши ҳеч гапмас-да.

Демокчиманки, соҳамизни танлаган инсон унинг ҳамма чигирқларидан ўтиши шарт. Мен ТАТУни тугаллаб келган 1990 йили вилоят алоқа бошқармаси бошлиғи Абдувоҳид ака Жўрабевнинг ўзи ишга қабул қилган. “Алоқанинг жамини “қозон”ида қайнасангина асл алоқачи бўласан, деган эди устоз ўшанда. Устозим айни ҳақиқатни айтган экан. “Қозон”ларда “қайнай-қайнай” пишдим. Ҳатто “умри”нинг сўнгги йилларини яшаётган радиоузел муҳандислигининг ҳам “маза”сини тотиб кўрганман. У даврларда аксарият ёшлар радиолани ёстиқ остига қўйиб ётишарди, худди ҳозирги ёшлар қўл телефонидан ажралмагандек. Бу ерда мен Жумабой Шамшигалиевдек устозни кўрдим. Панду насихатлари ҳамон ҳар

қадамда асқотади. Устоздан миннатдор бўлиб кетаман. Умрлари узоқ бўлсин.

Ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг-да, IPTV, DSLAM, ADSL, FTTH, PESO IAD атамалари, қурилмалар ва лойиҳалар ҳаёлимизнинг кўчасига ҳам келган эдим, албатта йўқ, 2015 йилдан буён технологияларимиз қанчалар ўзгарди? Тарифлашга тилим ожиз! Кўқонбой қишлоғига ўтган йили 196 MSAN русумли станция ўрнатилди. 1024 рақамли Хуавей станциясининг 426 рақамли ускунасини Чиркей қишлоғидаги Агротранс касб-хунар коллежи биносига ўрнатдик. Йил охиригача интернет миқозларимиз сони 1200 нафардан ошиб кетиши кутилмоқда.

Фаолиятимизни тобора яхшилаб боришимизда кабел-пайвандловчи Низомиддин Раҳимов, оператор Асалхон Қосимова, худуд монтёри Анваржон Темировларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Улар ўз вазифаларини вақтида ва сифатли адо этишади. Ёшлар ҳам уларга эргашиммоқда. ТАТУни тугаллаган Саидилсомбек Абдураҳимов ва Нуриддин Ўриновлар ҳам бутунги кун талаблари даражасида фаолият кўрсатиб, жамоада муносиб ўринларини топишяпти. Хуршидбек Йўлдошев ҳамда Муслимбек Солиев сингари техникларимиз ҳам ҳалол хизматларидан миқозларимиз мамнун. Улар касба салоқат ва жасорат билан меҳнат қилишмоқда. Зеро, давр ҳаммамиздан жасорат ва шижоат талаб этаётир.

Ўттиз йиллик телекомчиман. Касбимни жуда севаман. Умримнинг 30 йили давомиди соҳа ривожига оз бўлса-да, хизматим қўшилаётганидан фахрланаман. Фурсатдан фойдаланиб, 55 ёшим билан табриклавётган филиалимиз ва болаямиз жамоасига, барча устозларимга, жумладан, “Ҳар қандай ҳолатда ҳам миқоз ҳақ” дея қўлоғимга қўйган Муҳаммаджон ака Ғозиевга ҳамда барча биродарларимга соғ-омонлик тилайман.

Ғулмуҳоммад ТУРСУНОВ,
“Ўзбектелеком” АК
Фарғона филиали
Фурқат телекоммуникациялар
боғламаси бошлиғи

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАЛАРИ

ШОҲБЕКАТ ХАБАРЧИСИ

Гулчехра Бақоева Каттақўрғон фарзанди. Унинг отаси Муқим Бақоев малакали ҳуқуқшунос сифатида 1955-1962-йилларда Самарқанд вилояти, аҳолиси меҳрини қозона олган зобит эди. Муқим акани Самарқанд давлат университетини филология факультетини 1961 йили тугаллаб, меҳнат фаолиятини бошлаган пайтлардан буён биламан.

Куларнинг бириси, 1964 йил бўлса керак, Муқим ака менга кўнгирак қилиб, кўришмоқчиликни айтиб қолди. Сўлим бир ошхонада бирга тушлик қилдик. Шунда Муқим ака менга қарата, Файратжон, бизнинг оиламизда янги меҳмон дунёга келди, исмини Гулчехра қўйдик, деди қувонч ёшларини яширолма. Гулчехра соғ-саломат вояга етиб, ўзи севган касбни танласин, дея ти-

лак билдирдим.

Гулчехра 1982 йили эски шаҳар ҳудудидида Зебунисо номидаги 10-ўрта мактабни аъло баҳоларга тугаллаб, бироз вақт хонадон юмушларида онасига қарашиб юрди. Фикрларини жамлаб Каттақўрғон шаҳар алоқа бўлими бошлиғи Валентина Горбунова хонасига кириб, мени почтачиликка ишга қабул қилинг, дея илтимос қилди.

Алоқа бўлими бошлиғи ишлашга иштиёқманд Гулчехрани бўлимининг саралаш қисмига хат-хабарларни сараловчи вазифасига ишга қабул қилди. Бу воқеа 1983 йилнинг август ойларидида юз берган эди.

Гулчехра Бақоева саралаш ишларини пухта ўрганиб олганидан сўнг 1984 йили почта бўлими операторлигига ўтказилди. Унинг почта алоқаси соҳаси барча жабҳа-

ларида ишлай олишига ишонч ҳосил қилишгач, раҳбарият Каттақўрғон шаҳар темир йўл шоҳбекатида жойлашган 3-алоқа бўлимига бошлиқ этиб тайинлади.

Ўтган йилларда алоқа хизматини қўйилмақом олиб борган Гулчехра худуд аҳолиси эътиборини қозониб, катта ишончга сазовор бўлди.

— Иззат-ҳурмат ва эъзозга муяссар бўлишимда шаҳар почта бўлими раҳбари бўлиб ишлаган Валентина Горбунова, Раиса Окаева, Раъно Жалилова, Дилором Тоирова ва кейинчалик Шўхрат Ҳакимовларнинг берган маслаҳатлари ва ўғитлари фойда берди, — дейди Гулчехра. — Бунинг учун улардан бир умр миннатдорман.

Файрат ШУКУРОВ,
фахрий журналист

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 49-бандига мувофиқ:

“AGES COMMUNICATIONS” хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига асосан:

кўчма радиотелефон (радиотелефон, транкли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2015 йил 27 июлда берилган АА серияли 0005631 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2018 йил 19 октябрдан;

маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2014 йил 7 ноябрда берилган АА серияли 0005198 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2018 йил 23 октябрдан;

“GLOBAL CASE SYSTEMS” хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятга 2017 йил 28 сентябрда берилган АА серияли 0006266 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2018 йил 23 октябрдан;

“FON” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ телерадиодастурларни тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга 2017 йил 22 сентябрда берилган АА серияли 0006239 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2018 йил 23 октябрдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 23 ва 52-бандларига мувофиқ:

“YANGI DAVR TAKSI TRANS” масъулияти чекланган жамиятининг (Фарғона вилояти) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятга 2018 йил 30 апрелда берилган АА серияли 0006460 рақамли;

“A'LO TRANS” масъулияти чекланган жамиятининг (Фарғона вилояти) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятга 2018 йил 26 мартда берилган АА серияли 0006410 рақамли;

“BEAUT TECHNOLOGIES CO LTD” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятга 2018 йил 18 июнда берилган АА серияли 0006474 рақамли;

PLANET-TERMIZ” хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга 2018 йил 5 январда берилган АА серияли 0006368 рақамли лицензиялар бекор қилинди.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2018 йил 19 октябрда АЖ “АЛСКОМ” СК томонидан 8 300,0 минг сўм Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 340-ф-сонли фармойишига асосан ҳомийлик пули келиб тушди. Ушбу ҳомийлик пули Жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2018 йил учун тасдиқланган смета ҳаражатларига йўналтирилади.

БОЛАЛАР ЎЙНАЙДИГАН ЯГОНА СТУДИЯ БЎЛАДИ



— дейди “Томоша” болалар мусикали театр студияси директори Нодира Курбонова

Ёш саҳна усталарини чет элларда тажриба ўрганишларига имконият яратилса, кўнгилдагидек иш бўларди.

Дўстлар клуби... Аҳолига хизматни юқори даражага кўтаришга шайланган икки жамоа ўртасидаги ҳамкорлик рамзи бу. Бу дўстлик натижасида манфаат кўрувчи эса ижодкор халқимиздир.

Маълумки, 2017 йилнинг 3 августда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юртимизда фаолият юритувчи театр жамоалари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда театрлар ол-

дида турган кўплаб муаммолар тилга олинди, улар ечимлари устида фикр юритилди, кўплаб фойдали таклифлар билдирилди. Ана шундай таклифлардан бири иқтисодий бақувват корхона, ташкилотлар билан театрлар ўртасида Дўстлар клубларини ташкил этиш бўлган эди.

“Алоқабанк” акциядорлик-тижорат банки билан “Томоша” болалар мусикали театр

студияси ўртасида тузилган “Дўстлар клуби” шу тариқа ташкил топди. Театр студияси фаолияти ҳамда ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида студия директори Нодира Курбонова шундай ҳикоя қилади:

— “Томоша” болалар мусикали театр студияси жамоаси бизга “Мағбуотчилар” кўчасидаги бино ажратилгунга қадар ва ҳозирда ҳам “Туркистон” санъат саройида ижарага хоналар олиб, фаолият юритяпмиз. Бизга янги бино ажратилгани эса аини муддао бўлди. Марказий Осиёда ягона — саҳнада болаларнинг ўзлари уйнайдиган, ижод қиладиган студия болаларга бўлган эътиборнинг рамзи сифатида барча шароитлар мавжуд бинода фаолият кўрсатиши ҳам керак эди-да!

Лекин театрга мослашмаган бинони таъмирлаш анчагина маблаг талаб қилар эди. Ана шу қийин вазиятда АТ “Алоқабанк” бизга жамоаларимиз ўртасида тузилган “Дўстлар клуби” доирасида ёрдам қўлини қўзди.

Юқориди айтганимдай, бинони аввало театрга мослаб қайта реконструкция қилиш, лойиҳалаш талаб этиларди. Банк мутасаддилари ёрдами билан бу мураккаб иш амалга оширилди. Кейинчалик биноти сифатли таъмирдан чиқарилди. Аини пайтда эса бинонинг ичда таъмирлаш ишлари давом этапти.

Кейинги режаларимиз улкан. Келажакда хориздаги болалар театр студияларидан мутахассис жалб этиш ниятимиз бор. Шунингдек, ёш саҳна усталарини чет элларда тажриба ўрганишларига имконият яратилса, кўнгилдагидек иш бўларди.

Дарвоқе, театр студияси жамоаси бинони келгуси йил Наврўз байрамида ишга туширишни режалаштирмоқда. Болаларимизни санъатга, маданиятга муҳаббат руҳида тарбиялашга театр томошалари орқали оз бўлса-да ҳисса қўшиш истаги уларни фидойилик билан меҳнат қилишга ундаётир.

Муборак МИРКАМОЛОВА



ТАБИАТ САХОВАТИ

Энг фойдали ўсимлик ёғлари



Норвегия Мия институти олимлари мия узок вақт давомида фаол ва ёш бўлиб қолиши учун ҳар куни икки ош қошиқ ўсимлик ёғи истеъмол қилиш кераклигини исботлашган.

Бу ерда гап қон томирларида (шу жумладан, бош мияни озиклантирувчи майда капиллярларда) зарарли холестерин моддаси кўпайишига қарши курашишда ёрдам берувчи F витамини ва ҳужайра мембраналари куришида қатнашувчи олеин кислотаси ҳақида.

Қуйида эътиборингизга саломатлик учун энг фойдали ўсимлик ёғларини тақдим этамиз.

Зайтун ёғи. Ушбу ёғни харид қилишда этикеткасидаги кислоталилик даражасига эътибор қаратинг. У қанчалик паст бўлса (0,8 фоизгача), ёғ шунчалик юқори сифатли ҳисобланади. Зайтун ёғида олеин кислотаси жуда катта миқдорда мавжуд. У ёғ қиздирилганида канцерогенларни деярли ҳосил қилмайди.

Қунжабоқар ёғи. Лецитин моддасининг энг яхши манбаи. Ушбу модда боланинг асаб тизими шаклланишига ёрдам беради, катта ёшда эса ақл фаолиги ва равшандигини сақлайди.

Маккажўхори ёғи. У холестерин алмашинувини жуда яхши тартибга солади. За-

рарли қаттиқ ёғларнинг парчаланишига ёрдам беради. Маккажўхори ёғида фосфор ҳосиллари, яъни фосфатидлар бўлиб, улар мия учун фойдали. Шунингдек, ушбу ёғ таркибидаги никотин кислотаси (PP витамини) юрак-қон томирларининг ўтказиш хусусиятини яхшилайди.

Зигир ёғи ўсимлик ёғлари орасида энг паст калорияли бўлиб, жигардаги токсинларни чиқаришга ёрдам беради. Таркибидаги Омега-3 кислотаси миқдори бўйича балиқ мойини ортада қолдиради. Зигир урувида нитратларни (масалан, сотиб олинган мева ва

сабзавотлардаги) йўқ қилувчи антиоксидант мавжуд.

Қунжут ёғи таркибидаги калций моддаси бўйича ёғлар орасида етакчи ҳисобланади. Қалқонсимон без ва подагра (бўғимлардаги зарарли тузларни чиқаради) касалликларида аҳолини яхшилашга ёрдам беради. Аммо қунжут қоннинг қуйилиш хусусиятини кучайтиради. Шу бонс юрак касалликлари ва варикозга чалинган одамлар уни эҳтиёткорлик билан истеъмол қилишлари зарур.

Саида РАҲМАТОВА тайёрлади

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат ҚОДИРОВ, Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлашиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нарҳда.

МАЎЗИЛИНИҶ:

100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Объём индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.



Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Маъзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1043 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 2843 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.